

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги



Фискал Стратегия 2023-2025

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
I. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ШАРҲИ	5
1.1. ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР.....	5
1.2. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ 2021 ЙИЛГИ ИЖРОСИ	7
1.3. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ 2022 ЙИЛ УЧУН КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ ВА 2023–2025 ЙИЛЛАР УЧУН ПРОГНОЗЛАРИ.....	11
II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТИНИНГ 2021 ЙИЛГИ ИЖРОСИ ВА 2022 ЙИЛГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ.....	16
2.1. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТНИНГ 2021 ЙИЛГИ ИЖРОСИ.....	16
2.2. 2021 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИ ИЖРОСИНING ТАҲЛИЛИ.....	18
2.3. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТНИНГ 2022 ЙИЛГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ	26
III. 2023–2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИСКАЛ СИЁСАТ.....	42
3.1. 2023–2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИСКАЛ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	43
3.2. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЎРТА МУДДАТЛИ ДАВР УЧУН ПРОГНОЗЛАРИ.....	53
3.2.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЎРТА МУДДАТЛИ ДАВР УЧУН ПРОГНОЗЛАРИ.....	57
3.2.2. 2023–2025 ЙИЛДА БЮДЖЕТДАН АЖРАТИЛАДИГАН БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ.....	65
3.2.3. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИНИНГ 2023 ЙИЛГИ ПРОГНОЗИ ВА 2024– 2025 ЙИЛЛАРДАГИ МЎЛЖАЛЛАРИ	65
3.2.4. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	66
3.3. ДАВЛАТ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	66
3.4. МАКРО-ФИСКАЛ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ.....	72
IV. ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ ...	75
4.1. БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ВА НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	75
4.2. ФИСКАЛ ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ.....	81
4.3. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА БОҒЛАШ.....	84

КИРИШ

Фискал стратегия ўрта муддатли давр учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи ҳужжат ҳисобланади. 2023–2025 йилларга мўлжалланган фискал стратегия Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда 2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси асосида Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро молиявий институтлар экспертлари тавсияларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди.

Фискал стратегия кейинги ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозлари, фискал сиёсатнинг асосий йўналишлари, макрофискал таваккалчиликлар таҳлили, Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатларининг прогнозлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети профицити ёки тақчиллиги прогнозлари, тақчилликни молиялаштириш манбалари, давлат қарзи таҳлили ва бошқаларни ўз ичига олади.

Фискал стратегияда 2023–2025 йилларга мўлжалланган фискал мақсадлар давлат молияси тизимида амалга оширилиши режалаштирилаётган ислохотлар, бюджет харажатларини режалаштиришда натижадорлик ва самарадорликка ўтиш, солиқ-бюджет жавобгарлиги ва ҳисобдорлигини кучайтириш, бюджет очиқлигини таъминлаш, фискал таваккалчиликларни бошқариш, халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш тадбирлари ёритилган.

2023–2025 йилларга мўлжалланган фискал стратегия қуйидаги бўлимлардан иборат:

I. Макроиқтисодий кўрсаткичлар шарҳи.

Ушбу бўлимда жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётидаги макроиқтисодий тенденциялар, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2021 йилги ижроси, 2022 йил учун кутилаётган ижроси ва 2023–2025 йиллар учун прогнозлари таҳлил қилинган.

II. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2021 йилги ижроси ва 2022 йилги кутилаётган ижроси таҳлили.

Ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2021 йилги ижроси ва 2022 йилги кутилаётган ижросининг, шу жумладан Давлат бюджети даромадларининг даромад турлари бўйича, харажатларининг соҳалар ва иқтисодий таснифи бўйича ижроси таҳлили, бюджет тақчилликлари ва уларни молиялаштириш манбалари, 2021–2022 йилларда солиқ-бюджет сиёсатида амалга оширилган ислохотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

III. 2023–2025 йилларга мўлжалланган фискал сиёсат.

Мазкур бўлим 2023–2025 йилларга мўлжалланган фискал сиёсатнинг асосий йўналишлари, консолидациялашган бюджет даромадлари ва харажатларининг ўрта муддатли давр учун прогнозлари, 2023–2024 йиллар учун бюджет мўлжалларининг асосий фарқи, давлат дастурларини молиялаштириш учун ажратиладиган харажатлар, бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ва харажатлари таҳлили, бюджетлараро муносабатлар, давлат қарзи таҳлили, макро-фискал таваккалчиликлар таҳлили, Давлат бюджети харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши таҳлили ва бошқаларни ўз ичига олган.

IV. Давлат молиясини бошқариш тизими ислохотлари.

Ушбу бўлимда бюджет маблағлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, шу жумладан Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтиш ислохотлари, бюджет очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ва оширилиши режалаштирилаётган ислохотлар, Давлат бюджети харажатларини барқарор ривожлантириш мақсадларига боғлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бошқалар бўйича маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2022 йилда Россия ва Украина инқироzi фониди пасайиб, 2021 йилдаги 7,4 фоиздан 4,4 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда. Ўсиш суръати 2023 йилдан бошлаб яна юқорилаб 5,6 фоизгача, 2024–2025 йилларда тегишинча 6,6–6,8 фоизгача етиши прогноз қилинган.

Шунингдек жаҳон бозорида озиқ-овқат ва ёнилғи нархларида кузатилаётган тебранишлар натижасида Ўзбекистонда 2022 йилда инфляция даражаси 12 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари ҳисобланадиган олтин, мис ва табиий газ нархларининг дунё бозорида ошиши натижасида бюджет даромадлари прогнозининг 5,8 фоизга ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда.

Шунинг билан бирга глобал иқтисодий ноаниқликлар оқибатида Ўзбекистоннинг ташқи савдо операцияларидаги узилишлар, асосий истеъмол товарларининг нархлари ошиши билан мамлакат ичида юзага келаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳоли тўлов қобилияти барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Бунинг натижасида 2022 йил охиригача Давлат бюджети харажатлари 12 фоизга ошиши кутилмоқда.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган ташқи сиёсий ва иқтисодий вазият таъсирини юмшатиш учун Ҳукумат томонидан кўрилган чоралар натижасида консолидациялашган бюджет тақчиллигининг 2022 йил учун тасдиқланган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдори қайта кўриб чиқилиб, қўшимча 1 фоиз бандга ошиши, яъни Ўзбекистон Республикаси

консолидациялашган бюджети тақчиллиги 2022 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,0 фоиз миқдорида бўлиши кутилмоқда.

2023 йилдан бошлаб консолидациялашган бюджет тақчиллигининг юқори чекланган миқдори бўйича киритилган бюджет қoidасига қатъий амал қилинган ҳолда тақчилликни ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ошмаслигини таъминлаш мақсад қилинган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсишини прогноз кўрсаткичлари доирасида ушлаб туриш, макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигини таъминлаш учун Ҳукумат томонидан ташқи таъсирларга мослашувчан фискал сиёсат олиб борилади. Жумладан, давлат қарзини макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада ушлаб туриш, консолидациялашган бюджет тақчиллигини тасдиқланган прогноздан оширмаслик, макрофискал таваккалчиликларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, консолидациялашган бюджет қамровининг тўлиқлигини таъминлаш, бюджетнинг барча жараёнида очиқликни таъминлаш ва шу каби бошқа истиқболли йўналишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Шулар билан бир қаторда, бюджет харажатларини миллий барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлаштириш, бюджетни шакллантиришда “Натижага йўналтирилган бюджет” тизимини тўлиқ жорий этиш, иқтисодиётни рақамлаштириш ва “Яшил бюджет” тамойилларини жорий қилиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

I. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ШАРҲИ

1.1. ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Жаҳон иқтисодиёти ва ривожланиш истиқболлари

Халқаро валюта жамғармасининг 2022 йил апрель ойи ҳисоботига кўра, 2021 йилда жаҳон иқтисодиёти **5,4** фоизга, ривожланган давлатлар иқтисодиёти **5,0** фоизга, ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти **5,9** фоизга ўсди. Жамғарманинг прогнозларига кўра 2022 йилда дунё иқтисодиёти **3,6** фоизга ўсиши кутилаётган бўлса, бунда ривожланган давлатлар иқтисодиёти **3,3** фоизга, ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти эса **3,8** фоизга ўсиши кутилмоқда.

Россия ва Украина ўртасидаги можаро сабабли Европа ва Марказий Осиё давлатлари сезиларли даражада иқтисодий зарар кўриши мумкин. Жумладан, Россия энергия ва саноат металлари бўйича асосий экспортчи давлатлардан бири ҳисобланади ва Украина билан бирга дунё буғдой экспортининг 25 фоизини таъминлаб беради. Шунингдек, Европа мамлакатлари табиий газнинг 47 фоизини ҳамда нефтнинг 25 фоизини Россиядан импорт қилади. Россия ва Украина буғдой маҳсулотларининг Арманистон, Туркия, Грузия ва Қозоғистон давлатлари импортларидаги улуши 75 фоизни ташкил этади.

Жаҳон банкининг жорий йил апрель ойидаги прогнозлари январь ойидаги прогнозларига солиштирилганда, 2022 йил учун Ўзбекистоннинг асосий ҳамкор давлатлари ҳисобланган Туркия иқтисодининг ўсиш суръати 2,0 фоиздан 1,4 фоизга, Россия 2,4 фоиздан -11,2 фоизга, Украина 3,2 фоиздан -45,1 фоизга, Грузия 5,5 фоиздан 2,5 фоизга, Қозоғистон 3,7 фоиздан 1,8 фоизга, Беларусь -2,8 фоиздан -6,5 фоизга ҳамда Ўзбекистон 5,6 фоиздан 3,6 фоизга камайтирилди.

Жаҳон банкининг 2022 йил апрель ойи кутилмаларига кўра, Россия иқтисодиёти 2022 йилда 11,2 фоизгача кескин қисқариши прогноз қилинмоқда. Бу кўрсаткич жорий йил январь ойи ҳисоботидаги прогнозга нисбатан 13,6 фоиз бандга пастрокдир. Инқироз иш ўринларини йўқотилиши ва аҳоли даромадларини тушиб кетиши натижасида ички талабнинг кескин тушиб кетиши ҳамда мамлакатга чет эл инвестициялар ҳажмини пасайиши, таъминот танқислиги ва савдо узилишлари оқибатида ички инвестиция ҳажмининг қисқариши фонида юз беради.

Шунингдек, Россия иқтисодиётидаги инқироз (кутилаётган қисқариш – 11,2 фоиз) Марказий Осиё давлатлари орасида Қирғизистон (-5 фоиз) ва Тожикистон (-1,8 фоиз) давлатлари иқтисодиётини қисқаришига сабаб бўлиши кутилаётган бўлса, Қозоғистон (1,8 фоиз) иқтисодиёти ўсишининг секинлашиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига Россиядан келиб тушадиган пул ўтказмалари, ушбу давлатлар ЯИМининг деярли 30 фоизини ташкил этади.

1-жадвал.

2021-2024 йилларда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг баъзи мамлакатлар учун иқтисодий ўсиш прогнозлари

Мамлакатлар	Жаҳон банки <u>2022 йил январь ва апрель ойлари</u> прогнозлари		Халқаро валюта жамғармаси <u>2022 йил апрель</u> прогнози		
	2022 йил	2023 йил	2022 йил	2023 йил	2027 йил
Жаҳон иқтисодиёти	4,1	3,2	3,6	3,6	3,3
Ривожланган давлатлар	3,8	2,3	3,3	2,4	1,6
Ривожланаётган давлатлар	4,6	4,4	3,8	4,4	4,3
Евро ҳудуд	4,2	2,1	2,8	2,3	1,3
Япония	2,9	1,2	2,4	2,3	0,4
Хитой	5,1	5,3	4,4	5,1	4,8
Жанубий Корея	X	X	2,5	2,9	2,3
Ҳиндистон	8,7	6,8	8,2	6,9	6,2
Қозоғистон*	1,8	4,0	2,3	4,4	3,1
Россия*	-11,2	0,6	-8,5	-2,3	0,7
Туркия*	1,4	3,2	2,7	3,0	3,3
Грузия*	2,5	5,5	3,2	5,8	5,2
Ўзбекистон*	3,6	5,3	3,4	5,0	5,5

Манба: Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки ҳисоботи.

* Жаҳон банкининг 2022 йил апрель ойи ҳисоботи

2022–2023 йилларда халқаро молия ташкилотлари томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш прогнозларига кўра 2022 йил ялпи ички маҳсулот ўсиши **3,4 - 4,0** фоизлар атрофида ва 2023 йилга бориб ушбу кўрсаткич **4,5 - 5,3** фоизлар атрофида бўлиши кутилмоқда (2-жадвал).

2-жадвал.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати, *фоизда*

Халқаро ташкилотлар прогнози	2022	2023	2024	2025
Халқаро валюта жамғармаси (<i>апрель 2022</i>)	3,4	5,0	X	X
Жаҳон банки (<i>апрель 2022</i>)	3,6	5,3	X	X
Осиё тараққиёт банки (<i>апрель 2022</i>)	4,0	4,5	X	X
Ўзбекистон	4,4	5,6	6,6	6,8

Пандемия даврида барча давлатлар томонидан қўлланилган юмшоқ пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати туфайли, 2022 йилда жаҳон иқтисодиётида юқори инфляцион босим юзага келди. Устига устак, Украина-Россия можараси, Россияга қўлланилаётган санкциялар туфайли нефть, газ, қора метал, минерал ўғитлар, бугдой, шакар ва ўсимлик ёғи каби муҳим хомашё ва

озик-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиши инфляция даражасини ҳам кескин кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида АҚШда йиллик инфляция даражаси 8,3 фоизни (сўнгги 40 йилдаги максимум кўрсаткич), еврохудудда 7,4 фоизни ташкил этди. Асосий ҳамкор давлатлардан апрель ойида Қозоғистонда 13,3 фоизни, Қирғизистонда 14,5 фоизни, Россияда 17,8 фоизни ташкил этган.


1.2. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ 2021 ЙИЛГИ ИЖРОСИ

2021 йил якуни бўйича макроиқтисодий кўрсаткичлар

2021 йилда дунё бўйича кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодиётида тикланиш жараёни бошланган бўлса, баъзи давлатлар пандемия сабабли юзага келган иқтисодий инқироздан ҳали ҳам чиқиб кета олганлари йўқ. Глобал миқёсда давом этаётган пандемия ҳамда иқтисодий вазият билан боғлиқ мавҳумликлар сақланиб қолаётган шундай шароитда, дастлабки прогнозларга кўра, 2021 йилда ЯИМнинг ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этиши кутилган эди.

1-расм

2019-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси ва динамикаси



Бироқ, ўз вақтида мувофиқлаштирилган фискал ва монетар сиёсат натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти 7,4 фоиз ўсишни қайд этиб, жадал равишда тикланишда давом этди. Бунда, 2021 йил учун ЯИМга нисбатан Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети дефицити 4,8 фоиз

бўлиши кутилган эди. Бироқ, иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети дефицити 2021 йил якунида 5,6 фоизни ташкил этди. Шу сабабли, юқори иқтисодий ўсишнинг қайд этилишида кўшимча фискал стимул муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, 2021 йилда ЯИМнинг номинал ҳажми 734,6 трлн сўмни ёки 69,2 млрд АҚШ долларни ташкил этди. Бунда, қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг 26,9 фоизини ёки 183,5 трлн сўмни, хизматлар 38,5 фоизини ёки 262,5 трлн сўмни, саноат 27,8 фоизини ёки 189,6 трлн сўмни, қурилиш 6,7 фоизини ёки 45,8 трлн сўмни ва экспорт-импорт маҳсулотларига соф солиқлар 7,2 фоизини ёки 53,2 трлн сўмни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда, 2021 йилда иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари саноат ва хизматлар соҳаси бўлиб, мос равишда 8,7 ва 9,2 фоизга ўсган. Бундан ташқари, 2021 йилда қишлоқ хўжалиги 4,0 фоизга ҳамда қурилиш соҳаси 6,8 фоизга ўсган.


2021 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2020 йилга нисбатан 16,0 фоизга ўсиб, 42,1 млрд АҚШ долларни ташкил этди. Бунда, экспорт ҳажми 10 фоизга ошиб, 16,6 млрд АҚШ долларга етган бўлса, импорт 20,4 фоизга ўсиб, 25,5 млрд АҚШ долларни ташкил этди.

Шунингдек, иқтисодий фаолликнинг ортиши ва ички ҳамда ташқи товарлар нархларининг ўзгариши натижасида 2021 йилда ташқи савдо балансининг манфий сальдоси 46,3 фоизга ортиб, 8,9 млрд АҚШ долларни ташкил этди. Иқтисодий фаолликнинг ортишидан ташқари, маҳаллий иқтисодиётдаги товар ва хизматлар нархларининг инфляцияси ҳамда мос равишда алмашув курсининг ўзгариши ҳам ташқи савдо балансига таъсир қилди.


2021 йилда умумий экспорт ҳажми 16,6 млрд АҚШ долларни ташкил этди. Умумий экспорт ҳажми пандемиядан олдинги даражагача тикланмаган бўлсада, олтинсиз экспорт ҳажми 34,4 фоизга кўпайган ҳолда деярли 2019 йилдаги экспорт даражасига етиб, 12,5 млрд АҚШ долларга тенг бўлган. Шунингдек, 2021 йилда умумий экспорт таркибида диверсификация даражаси ошиб, тўқимачилик маҳсулотларининг улуши 17,6 фоизга (2,9 млрд АҚШ доллар) ва бошқа маҳсулотлар улуши 28,1 фоизга (4,7 млрд АҚШ доллар) етган.

2021 йилда импорт ҳажми 2020 йилга нисбатан 20,4 фоизга, пандемиядан олдинги 2019 йилга нисбатан 4,8 фоизга кўпайиб, 25,5 млрд АҚШ долларни ташкил қилди. Ўтган йиллар давомида импортнинг асосий қисми машиналар ва асбоб-ускуналар импортига тўғри келган. Шунингдек, 2021 йилда кимёвий маҳсулотлар, қора металл маҳсулотлари, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар импортининг улушлари 2019-2020 йилларга нисбатан кўпайган.

2019-2021 йилларда экспорт таркиби ва динамикаси
(млн АҚШ доллар)



2019-2021 йилларда импорт таркиби ва динамикаси
(млн АҚШ доллар)



2021 йилда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ижроси

Т/р	Кўрсаткичлар	2020 йил ижро	2021 йил ижро
1.	Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм	602 551	734 588
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	101,9	107,4
	ялпи ички маҳсулот дефлятори, фоизда	111,6	113,6
	<i>млн. АҚШ долл. эквивалентида</i>	<i>59 885</i>	<i>69 236</i>
	<i>аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, АҚШ долл.</i>	<i>1 749</i>	<i>1 983</i>
1.1.	Саноат, млрд сўм	153 188	189 607
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	100,9	108,7
1.2.	Қурилиш	37 548	45 802
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	109,5	106,8
1.3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари	151 280	183 518
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	102,9	104,0
1.4.	Хизматлар	215 816	262 496
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	100,7	109,2
2.	Ташқи савдо айланмаси, млн.долл.	36 256	42 072
	ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	60,5	60,8
2.1.	Экспорт, млн.долл.	15 102	16 611
	ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	25,2	24,0
2.2.	Импорт, млн.долл.	21 154	25 461
	ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	35,3	36,8
2.3.	Ташқи савдо айланма сальдоси, млн.долл.	-6 051	-8 850
3.	Инфляция, ҳисобот даври охирига, фоизда	11,1	10,0
4.	Йиллик ўртача алмашув курси, сум./долл.	10 056	10 610
5.	Ўртача аҳоли сони, минг киши	34 232	34 915

Манба: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

1.3. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ 2022 ЙИЛ УЧУН КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ ВА 2023–2025 ЙИЛЛАР УЧУН ПРОГНОЗЛАРИ

Миллий макроиқтисодий прогнозлар

4-жадвал


Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2022 йил учун кутилаётган ижроси ва 2023–2026 йиллар учун прогнозлари

Т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил (кутила- ётган)	2023 й	2024 й	2025 й	2026 й
			прогноз			
1	Доимий ўртача аҳоли сони, минг киши	35 445	35 984	36 530	37 081	37 619
2	Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм	852 625	990 343	1 147 052	1 326 931	1 529 217
	ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	104,4	105,6	106,6	106,8	107,0
3	Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми, минг.сўм	24 055	27 522	31 400	35 784	40 650
	ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	102,8	104,0	105,0	105,3	105,5
4	саноат (қўшилган қиймат), млрд сум	220 727	257 602	306 894	366 611	437 531
	ЯИМдаги улуши, фоизда	27,9	28,0	28,8	29,7	30,8
	ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	104,5	106,0	109,6	110,1	110,3
5	қурилиш (қўшилган қиймат), млрд сўм	53 588	63 075	73 872	86 158	100 127
	ЯИМдаги улуши, фоизда	6,8	6,9	6,9	7,0	7,0
	ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	105,5	107,1	108,3	108,5	108,7
6	қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари (қўшилган қиймат), млрд сўм	209 882	237 574	266 425	297 927	331 142
	ЯИМдаги улуши, фоизда	26,5	25,8	25,0	24,2	23,3
	ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	103,3	103,5	103,6	103,9	104,1
7	хизматлар (қўшилган қиймат), млрд сўм	307 714	362 062	418 699	482 430	552 848
	ЯИМдаги улуши, фоизда	38,9	39,3	39,3	39,1	38,9
	ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	104,9	106,3	106,0	106,0	106,1
8	Маҳсулотларга соф солиқлар, млрд сўм	60 715	70 030	81 162	93 805	107 570
	ЯИМдаги улуши, фоизда	7,1	7,1	7,1	7,1	7,0
	ўтган йилга нисбатан ўсиш, фоизда	104,2	105,9	106,8	107,0	106,7
9	Инфляция, ўтган йил якунига нисбатан, фоизда	12,4	5,0	5,0	5,0	5,0
10	АҚШ доллари алмашинув курси, сўм	11 671	12 488	13 112	13 768	14 456

2022 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнида жорий йилда ЯИМ ҳажми 839,9 трлн. сўм бўлиши ва реал ўсиш 6 фоизни ташкил этиши прогноз қилинган эди. Бироқ, 2022 йилнинг биринчи чорагида ташқи мураккаб вазиятнинг юзага келиши ҳамда ноаниқликларнинг сақланиб қолиши таъсирида жорий йилда иқтисодий ўсиш суръати дастлабки прогнозга нисбатан 1,0-1,5 фоиз бандга паст бўлиши баҳоланмоқда. Украина-Россия ўртасидаги можаронинг тугаши юзасидан ноаниқлик мавжудлиги ва Россия давлатига ғарб давлатлари томонидан қўлланилаётган санкциялар тўплами тобора кучайиб бораётган шароитда жаҳон иқтисодиётида юқори ноаниқлик сақланиб қолади.

Ушбу глобал мураккаб вазият ҳамда ноаниқликлар таъсирини юмшатиш чораларини кўрган ҳолда ҳамда ташқи сиёсий ва иқтисодий вазият салбий томонга ўзгармаган тақдирда 2026 йилга келиб ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсишини 7 фоизга етказиш прогноз қилинган.

4-расм



Бунда, ЯИМнинг номинал ҳажми деярли ўзгаришсиз қолиши кутилади. Бунга асосий сабаб, реал ўсиш прогнозга нисбатан пасайишига қарамасдан, ЯИМ дефлятори кутилган кўрсаткичга нисбатан юқори бўлиши билан боғлиқ. ЯИМ дефляторининг кўтарилиши глобал миқёсда инфляцион босимларнинг ортиши, хусусан, асосий ҳамкор давлатларда хом ашё товарлари нархларининг кўтарилиши ва таъминот занжирларида узилишларнинг юзага келиши натижасида миллий иқтисодиётда инфляциянинг тезлашиши билан боғлиқ.


5-расм



Марказий банк ҳисоб-китобларига кўра, 2022 йилнинг II-чорагидан бошлаб инфляция кўрсаткичи тезлашиши ва йил якунига келиб йиллик инфляция даражаси 12-14 фоиз атрофида бўлиши кутилади.

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида дастлабки прогнозга нисбатан қурилиш соҳасида ўсиш суръати 2,6 фоиз бандга камайиб 5,5 фоизни, саноатда 2,5 фоиз бандга камайиб 4,5 фоизни ва хизматларда 1,6 фоиз бандга камайиб 4,9 фоизни ташкил этиши кутилаётган бўлса, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларининг ўсиш суръатида ўзгариш кутилмаяпти.


6-расм



Шунингдек, юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ўрта муддатда реал ўсиш суръатларини 6-7 фоиз даражасида бўлишига хизмат қилади. Хусусан, прогнозларга кўра, 2023 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари тезлашиб, 5,6 фоизни ташкил этиши кутилса, 2024-2026 йилларда ўсиш суръати ўз тенденциясига қайтиб, 6,6-7,0 фоиз коридорида шаклланиши кутилади.

Етакчи хорижий банкларнинг апрель ойидаги прогнозларига кўра, олтиннинг ўртача нархи 2022 йилнинг охирига келиб, 1 860 долл./унц. атрофида бўлиши прогноз қилинган. 2023-2025 йиллар давомида эса олтинга талабнинг камайиши натижасида ушбу кўрсаткич 1 700 долл./унц.гача пасайиши кутилади.


7-расм



Манба: Bloomberg 2022 йил апрель ойи охиридаги прогнозлари

Шунингдек, миснинг ўртача нархи 2022 йил охиригача ўзининг тарихий максимумларига яқин ҳудудда бўлиши кутилади. Нархлар 2022 йилнинг охирига келиб, 9 800 долл./м.тонн.га тенг бўлса, кейинги йилда ушбу кўрсаткич 9 189 долл./м.тонн.га тушиб кетиши ҳамда 2025 йилнинг охирига келиб эса 10 200 долл./м.тонн.га кўтарилиши прогноз қилинади.


8-расм



Манба: Bloomberg 2022 йил апрель ойи охиридаги прогнозлари

Табиий газнинг ўртача нархи эса 2022 йилнинг ўрталарига келиб 315 долл./1000м³га етиши ва йил охирига келиб 295 долл./1000м³га тушиши ҳамда 2025 йилда эса 75 долл./1000м³гача тушиб кетиши кутилмоқда.


9-расм



Манба: Bloomberg 2022 йил апрель ойи охиридаги прогнозлари

Шунингек, АҚШ ва Европа иттифоқи томонидан Россияга қарши қўлланилган санкциялар натижасида нефть экспорти кескин даражада тушиб кетди. Бу ўз ўрнида жаҳон бозорида таклифнинг камайиши ва талабнинг ортганлиги сабабли ўртача нефть нархи 2022 йил ўрталарига келиб, 108,0 долл./бар. атрофида бўлиши ва йил якунида 92,0 долл./бар., 2023-2025 йилларда мос равишда 88-83 долл./бар. оралиғида бўлиши прогноз қилинмоқда.

10-расм



Манба: Bloomberg 2022 йил апрель ойи охиридаги прогнозлари

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТИНИНГ 2021 ЙИЛГИ ИЖРОСИ ВА 2022 ЙИЛГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ

2.1. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТНИНГ 2021 ЙИЛГИ ИЖРОСИ

2021 йилги консолидациялашган бюджет тақчиллиги (ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар билан бирга) **40,8 трлн.сўм** ёки ялпи ички маҳсулотнинг **5,6 фоизини** ташкил этиб, 2020 йил охирида тасдиқланган кўрсаткичга нисбатан 0,2 фоиз бандга ошган (аниқлаштирилган кўрсаткичга нисбатан 0,9 фоиз бандга паст).

Бунда консолидациялашган бюджет харажатлари 245,2 трлн сўмни ва даромадлари 204,5 трлн сўмни ташкил этиб, тасдиқланган прогнозларга нисбатан мос равишда қўшимча 28,9 трлн сўм ва 25,7 трлн сўмга бажарилди.

2021 йилдан бошлаб ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига ажратиладиган харажатлар халқаро тажрибадан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети таркибида акс эттирилди.

5-жадвал

Консолидациялашган бюджетнинг 2021 йилги ижроси, трлн.сўм

Кўрсаткичлар		2021 йил ижро	2021 йил тасдиқланган-дан фарқи
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	204,5	+25,7
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	27,8	+1,9
	Давлат бюджети даромадлари	164,8	+17,6
	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари *	32,9	+6,7
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	6,8	+1,4
II	Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертлар	12,7	-
III	Консолидациялашган бюджет харажатлари	245,2	+28,9
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	33,4	+2,0
	Давлат бюджети харажатлари *	188,3	+22,4
	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	28,7	+3,8
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	26,0	+12,5
	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	7,6	-4,5
IV	Консолидациялашган бюджет тақчиллиги	40,8	+3,2
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	5,6	+0,2
	<i>Шундан: Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари</i>	-19,2	+1,9
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	2,6	+0,1
V	Давлат қарзларини сўндириш	7,8	-
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	1,1	-

* Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертларсиз кўрсатилган.

**2021 йилги консолидациялашган бюджет тақчиллигини
молиялаштириш манбалари**

			Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	
			ижро	тасдиқланган- дан фарқи
I.	Умумий фискал тақчиллик* <i>шундан:</i>	-40,8 трлн сўм	5,6	+0,2
1.1	Консолидациялашган бюджет тақчиллиги	-38,4 трлн сўм	5,2	+1,5
	<i>Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари</i>	<i>-19,2 трлн сўм</i>	2,6	+0,1
	<i>Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси</i>	<i>-19,2 трлн сўм</i>	2,6	+1,4
1.2	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	7,6 трлн сўм	1,0	-0,7

*Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Давлат бюджетига 5,2 трлн сўм трансфертларни инобатга олган ҳолда.

2021 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллиги пандемиядан кейинги даврда иқтисодий фаолликнинг пасайиши, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши сабабли Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети йўқотишлари, ижтимоий-иқтисодий давлат дастурларига қўшимча маблағлар ажратиш ҳамда иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида тузилмавий ўзгаришлар сабабли харажатларнинг ошиши ҳисобига келиб чиққан.

Бундан ташқари, йиллар давомида йиғилиб келган инвестицион етишмовчиликлар сабабли айрим инфратузилма лойиҳалари ҳамда иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари охириги йилларда фаол молиялаштирилди. Бу лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг жорий даромадлари ҳисобидан таъминлаш имкони бўлмаганлиги сабабли тақчилликни ошириш ҳисобига амалга оширилди.

Умумий фискал тақчилликни (**40,8 трлн.сўм**) қоплаш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилди:

Ташқи манбалар	Ички манбалар	Йил бошига қолдиқ маблағлар
- халқаро молиявий ташкилотларнинг қарз маблағлари ҳисобидан – 12,2 трлн.сўм - ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар – 7,6 трлн.сўм	узоқ муддатли евро облигациялардан тушумлар – 1,8 трлн.сўм	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 19,2 трлн.сўм

2.2. 2021 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМЎАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ ТАҲЛИЛИ

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ИЖРОСИ

Давлат бюджети даромадлари **164,8 трлн сўм**ни ташкил қилди ва 2020 йилдаги тушумларга (132,9 трлн.сўм) нисбатан **24 фоизга** ёки **31,9 трлн. сўмга** ошди.

Давлат бюджети даромадларининг 77,7 фоизи солиқ тушумларидан (Давлат солиқ қўмитаси назорати остидаги), 20,2 фоизи қисми божхона (Давлат божхона қўмитаси назорати остидаги) ва бошқа солиқсиз тушумлар ҳисобига шакллантирилди.

2021 йилда Давлат солиқ қўмитаси бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари **14,8 трлн. сўм** ортиғи билан (113,1 %) бажарилди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24,4 трлн. сўмга** (23,6 %) ошди. **Йирик солиқ тўловчилар** бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси бўйича белгиланган прогноз эса **8 трлн. сўм** ортиғи билан (110,8 %) бажарилди. **Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида жами 9,1 трлн. сўм** маблағлар қолдирилди.

Бюджетга даромадлар келиб тушишининг ошишига иқтисодий ўсиш билан бир қаторда қимматбаҳо металлларнинг юқори жаҳон нархлари сақланиши, карантин чекловларининг юмшатилиши, солиқ назорати ва маъмуриятчилигининг янги дастаклари таъсир кўрсатди.

Давлат божхона қўмитаси бўйича белгиланган **29,4 трлн сўм** прогноз **3,8 трлн. сўмга** ортиғи билан (+12,8 %) бажарилди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,5 трлн. сўмга** ёки **34,5 фоизга** ошди.

Божхона тушумларининг ошиши қуйидагилар билан боғлиқ:

- солиқ солинадиган импорт ҳажми ва айирбошлаш курсининг ошиши;
- божхона органлари божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, товарларнинг эркин муомалага чиқарилишини жадаллаштириш ва божхона маъмуриятчилигининг янги методларини жорий этиш бўйича кўрилган чоралар.

Қўшилган қиймат солиғидан манфий фарқни қоплаш учун тадбиркорлик субъектларига **14,4 трлн. сўм** қайтарилди (2020 йилда **9 трлн. сўм** маблағлар қайтариб берилган эди).

Ҳисобот йилида бевосита солиқларнинг салмоғи 35,8 фоизни ташкил қилиб, 58,9 трлн.сўм даромад тушди. Билвосита солиқларининг салмоғи эса 34,2 фоиз бўлди ва 56,3 трлн.сўмни ташкил қилди. Ресурс солиқларидан 23,0 трлн.сўм келиб тушди ва бюджет даромадларининг 14 фоизини ташкил қилди.

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари прогнози ва ижроси, трлн.сўм

Кўрсаткичлар	Прогноз	Ижро	Фоиш
ЖАМИ	147,7	164,8	111,6
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоишда</i>	21,4	22,4	
Бевосита солиқлар	49,7	58,9	118,6
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоишда</i>	7,2	8,0	
Фойда солиғи	31,0	38,4	123,8
Айланмадан олинadиган солиқ	1,8	1,6	90,0
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	16,9	18,9	112,2
Билвосита солиқлар	53,7	56,3	104,9
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоишда</i>	7,8	7,7	
Кўшилган қиймат солиғи	38,1	38,4	101,0
Акциз солиғи	11,8	13,1	110,4
Божхона божи	3,8	4,8	127,0
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	20,8	23,0	110,5
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоишда</i>	3,0	3,1	
Мол-мулк солиғи	2,2	2,5	111,5
Ер солиғи	3,1	4,1	131,4
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15,1	15,8	104,4
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,4	0,7	178,0
Бошқа даромадлар	23,5	26,5	112,9
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоишда</i>	3,4	3,6	

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари таркибидаги бевосита (35,8 %) ва билвосита солиқларнинг (34,2 %) нисбати сақланиб қолинди.

11-расм

Солиқларнинг асосий турлари бўйича Давлат бюджетига тушумлар таркиби



Давлат бюджети даромадлари таркибига сўнгги уч йилдаги солиқ сиёсати чораларининг ўзгартирилиши, илгари берилган солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши, иқтисодиёт секторларида олиб борилаётган ислохотлар ҳисобига солиқ базасининг кенгайтирилиши, шунингдек хом ашё товарлари нархларининг динамикаси таъсир кўрсатди.

Солиқ тушумлари таркибининг ўзгариши солиқларнинг айрим турлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши билан ҳам боғлиқ.

9-жадвал

**Солиқ тўловчилари сонининг ўзгариши тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Солиқ турлари	2020 йил (йил охирига келиб)	2021 йил (йил охирига келиб)	Ўзгариши
Фойда солиғи	112 336	140 566	28 230
Қўшилган қиймат солиғи	112 336	141 526	29 190
Айланмадан олинадиган солиқ	208 091	299 036	90 945
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	58 856	69 353	10 497
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	158 675	170 539	11 864
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	141 204	137 020	-4 184

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йилги харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар билан биргаликда) ижроси **188,3 трлн. сўмни** (аниқланган режага нисбатан 99,2 фоиз) ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан **25,6 фоизни** ташкил этди.

Бюджет ташкилотларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 57,7 трлн сўмни ҳамда иш ҳақига нисбатан ажратмалар 11,6 трлн сўмни ташкил қилди.

10-жадвал

Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилги соҳалар кесимидаги ижроси, трлн. сўм

Кўрсаткичлар		Ижро	Аниқланган режага нисбатан (ортиқ "+", кам "-")	Фоизда
Харажатлар, жами		188,3	- 1,6	99,2
<i>ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>		25,6		
1	Ижтимоий харажатлар	92,0	- 3,5	96,3
	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, шундан:	80,7		100,0
	таълим	39,6		100,0
	соғлиқни сақлаш	23,3		100,0
	маданият ва спорт	3,6		100,0
	фан	1,1	- 0,2	84,7
	нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	10,9		100,0
	Пенсия жамғармасига трансфертлар	10,7	- 2,1	83,5
	Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар	0,6	- 1,4	29,5
2	Иқтисодиёт харажатлари	21,2	0,9	104,3
	<i>шундан:</i>			
	сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	6,6	- 0,5	93,5
	суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	0,4		100,0
	аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	4,4	0,9	126,9
	табиатни муҳофаза қилиш	0,3		100,0
	уй-жой коммунал ишлари	2,3	0,1	104,8
3	Инвестиция харажатлари	29,9	- 0,2	99,5
4	Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	10,4	0,7	107,8
5	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	1,4	- 0,7	95,2
6	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари	2,2	- 0,4	84,4
7	Бошқа харажатлар	31,1	1,0	103,2

**Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тасниф бўйича
ёйилмаси, 2021 йил ижро, трлн.сўм**

		2021 йил ижро	2020 йилдан фарқи, фоизда
Жами харажатлар		188,3	+ 32,0
1	Иш ҳақи ва стипендияларни тўлаш	57,7	+ 25,0
2	Ижтимоий солиқ	11,6	+ 21,1
3	Капитал қўйилмалар	29,9	+ 11,1
4	Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	89,1	+ 21,1
	<i>шундан:</i>		
4.1	Хизмат сафарлари харажатлари	0,1	+ 90,1
4.2	Коммунал тўловлар, шундан:	4,3	+ 1,7
	<i>Электроэнергия</i>	3,8	- 0,8
	<i>Табиий газ</i>	0,2	+ 15,8
	<i>Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси</i>	0,2	+ 7,1
4.3	Сақлаш ва жорий таъмирлаш	3,9	+ 23,5
4.4	Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар, шундан:	5,8	+ 51,2
	<i>Озиқ-овқат маҳсулотлари</i>	1,9	+ 90,0
	<i>Дори-дармонлар ва тиббий воситалар</i>	2,4	+ 43,3
	<i>Ёнилғи ва ЁММ</i>	0,4	+ 27,7
4.5	Товар ва хизматлар бўйича бошқа харажатлар	5,6	+ 12,3
5	Асосий воситалар бўйича харажатлар	5,9	+ 46,1
	<i>шу жумладан:</i>		
	<i>Асосий воситаларни капитал таъмирлаш</i>	2,4	+ 34,8
	<i>Асосий воситаларни сотиб олиш</i>	3,6	+ 54,9
6	Фоиз тўловлари	2,5	+ 31,9
7	Субсидиялар	5,6	+ 175,8
8	Ижтимоий нафақалар	10,9	+ 32,8
9	Бошқа харажатлар	39,9	+ 15,3

Давлат бюджети харажатлари таркиби, 2021 йил учун ижро, трлн.сўм ва фоизда



2021 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **56 та биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган** маблағлар ижроси **133,2 трлн сўмни** (аниқланган режага нисбатан -8,2 трлн сўм ёки 94,2 фоиз) ташкил этди. Шундан:

жорий харажатлар – 89,9 трлн сўм (аниқланган режага нисбатан -3,6 трлн сўм, 96,1 фоиз);

объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар – 18,8 трлн сўм (-1,7 трлн сўм, 91,6 фоиз);

давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар – 12,7 трлн сўм (-2,1 трлн сўм, 85,9 фоиз);

маҳаллий бюджетларга ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар – 10,4 трлн сўм (100,0 фоиз);

қайта тақсимланадиган маблағлар – 1,3 трлн сўм (-0,7 трлн сўм, 65,2 фоиз).

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **маҳаллий бюджет** маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш, бюджет ижросини марказга боғлиқлигини кескин камайтириш жараёнларини чуқурлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурларини қафолатланган молиялаштириш манбалари билан таъминлаш, маҳаллий ҳокимликларни маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ва маблағлардан самарали фойдаланишда масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича 2021 йил давомида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

2021 йилда **маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми** прогнозга нисбатан **119 фоизга** бажарилди ёки **35,2 трлн сўмни**, **харажатлар қисми** эса режага нисбатан **111 фоизга** ижро этилиб, **65,5 трлн сўмни** ташкил этди.

Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш бўйича Ҳукумат томонидан амалга оширилган амалий чора-тадбирлар натижасида 2021 йил давомида маҳаллий бюджетларнинг даромад кўрсаткичи **5,7 трлн сўм** ортиғи билан ижро этилди.

13-расм

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг 2021 йилги ижроси

Т/р	Худудлар номи	Режа	Ижро	Фоизда
Жами		58,9	65,5	111,2%
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4,1	4,4	107,4%
2	Андижон вилояти	4,7	4,9	104,7%
3	Бухоро вилояти	3,7	4,1	111,2%
4	Жиззах вилояти	2,7	2,9	107,6%
5	Қашқадарё вилояти	5,8	6,1	105,9%
6	Навоий вилояти	2,4	2,6	109,3%
7	Наманган вилояти	4,6	5,0	107,3%
8	Самарқанд вилояти	5,2	5,7	109,0%
9	Сурхондарё вилояти	4,6	4,8	105,0%
10	Сирдарё вилояти	2,0	2,1	105,1%
11	Тошкент вилояти	4,2	4,9	117,1%
12	Фарғона вилояти	5,3	5,9	110,3%
13	Хоразм вилояти	3,2	3,3	105,3%
14	Тошкент шаҳри	6,6	8,9	135,2%

ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ҲАМДА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИНИНГ 2021 ЙИЛГИ ИЖРОСИ

2021 йилда давлат мақсадли жамғармалари **даромадларининг** ижроси **32,9 трлн. сўм**, харажатлари ижроси **40,8 трлн сўм** бўлиб, Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар **12,7 трлн. сўм**ни ташкил этди.

Шунингдек, Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасидан Давлат бюджетига 538,4 млрд сўм миқдорида трансфертлар ўтказиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар **6,8 трлн сўм** бўлиб, жамғармадан **26,0 трлн сўм** миқдорида харажатлар амалга оширилган.

12-жадвал

**Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт
жамғармасининг 2021 йилги ижроси, млрд.сўм**

T/p	Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	Давлат бюджети трансферт- лар	Харажатлар	Давлат бюджети трансферт- лар	Йил охирига қолдиқ
I	Жами — давлат мақсадли жамғармалари	5 020	32 879	12 671	40 801	538	9 150
1.	«Эл-юрт умиди» жамғармаси	1	1	63	62		3
2.	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма	0	0	323	286		37
3.	Пенсия жамғармаси	2 971	26 569	10 744	36 605		3 679
4.	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	136	217	391	653		92
5.	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	103	83	52	42		196
6.	Жамоат ишлари жамғармаси	97	16	275	285		103
7.	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	948	344	200	776		716
8.	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	93	3 814	0	451	538	2 918
9.	Хотин-қизларни ва oilани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	10	131	118	183		76
10.	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	301	786	0	772		315
11.	Республика мақсадли китоб жамғармаси	154	232	122	230		278
12.	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	6	25	0	4		27
13.	Ноғиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	1	0	0	0		0
14.	Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	8	103	0	87		24
15.	Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси	2	39	117	154		4
16.	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	183	248	40	167		305
17.	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	3	2	0	3		3
18.	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	3	268	228	41		377
II	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси		6 774		25 969		

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йилги ижроси бўйича тўлиқ маълумотлар билан Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида (www.mf.uz) ҳамда “Очиқ бюджет” портали (openbudget.uz) орқали танишиш мумкин.

2.3. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТНИНГ 2022 ЙИЛГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ

2.3.1. 2022 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТИНИНГ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ

13-жадвал

Консолидациялашган бюджетнинг 2022 йилги кутилаётган ижроси,
трлн.сўм

Кўрсаткичлар		2022 йил (01.06.2022 ҳолатида)	2022 йил тасдиқлангандан фарқи
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	268,4	+ 13,83
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	31,5	+ 1,6
	Давлат бюджети даромадлари	211,8	+ 11,82
	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари *	33,4	+ 2,01
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари**	14,7	-
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	8,5	-
II	Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертлар	25,9	-
III	Консолидациялашган бюджет харажатлари	302,9	+ 22,81
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	35,5	+ 2,7
	Давлат бюджети харажатлари *	236,6	+ 21,79
	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	32,6	+ 0,32
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари**	13,9	-
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	8,6	+ 0,1
	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	6,9	- 3,8
	Консолидациялашган бюджет сальдоси	- 34,5	- 1,1
IV	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	- 4,0	- 1,0
	<i>шундан: Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари</i>	- 3,3	- 1,5
V	Давлат қарзларини сўндириш	10,2	-
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	1,2	-

* Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертларсиз кўрсатилган.

** Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари ва харажатлари маълумот учун кўрсатилган.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан 2022 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорида белгиланган. Лекин **ташқи** ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият ва унинг республика иқтисодиётига салбий таъсиридан келиб чиқиб, шунингдек жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш лозимлиги туфайли 2022 йилги тасдиқланган прогнозлар, шу жумаладан бюджет кўрсаткичлари қайта кўриб чиқиши кутилмоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг йил бошидаги прогноз қилинган ўсиш кўрсаткичи 6,0 фоиздан 4,0-5,0 фоизгача пасайиши баҳоланмоқда ҳамда ушбу ҳолат туфайли Давлат бюджети даромадлари қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Шунингдек жаҳон бозорида озиқ-овқат ва ёнилғи нархларида кузатилаётган тебранишлар натижасида Ўзбекистонда 2022 йилда инфляция даражаси 12 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари ҳисобланадиган олтин, мис ва табиий газ нархларининг дунё бозорида ошиши натижасида бюджет даромадлари прогнозининг 11,8 фоизга ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда.

Шунинг билан бирга глобал иқтисодий ноаниқликлар оқибатида Ўзбекистоннинг ташқи савдо операцияларидаги узилишлар, асосий истеъмол товарларининг нархлари ошиши билан мамлакат ичида юзага келаётган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳоли тўлов қobiliяти барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Бунинг натижасида 2022 йил охиригача Давлат бюджети харажатлари 12 фоизга ошиши кутилмоқда.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган ташқи сиёсий ва иқтисодий вазият таъсирини юмшатиш учун Ҳукумат томонидан кўрилган чоралар натижасида консолидациялашган бюджет тақчиллигининг 2022 йил учун тасдиқланган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдори қайта кўриб чиқилиб, қўшимча 1 фоиз бандга ошиши, яъни Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги 2022 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,0 фоиз миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилги кутилаётган консолидациялашган бюджети тақчиллиги – **умумий фискал тақчиллик** ялпи ички маҳсулотнинг **4,0 фоизи** атрофида бўлиши баҳоланмоқда. Жаҳон иқтисодиётидаги салбий ўзгаришлар, шу жумладан Россия давлатига нисбатан кундан-кунга кучайиб бораётган санкциялар оқибатларининг, жаҳон бозоридаги нефть, газ, минерал ўғитлар ҳамда озиқ-овқат нархлари инфляциясининг, яъни буғдой, шакар, ўсимлик ёғи каби муҳим хомашё

товарлари нархлари ошишининг ички бозордаги нархларга таъсири Давлат бюджетига янги вазифаларни қўймоқда.

14-жадвал

**2022 йилги консолидациялашган бюджет тақчиллигини
молиялаштириш манбалари**

	Кўрсаткичлар	Тақчиллик, трлн сўм	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	
			кутилаётган ижро	тасдиқлангандан фарқи
I.	Консолидациялашган бюджет – умумий фискал тақчиллик*	-34,5	- 4,0	- 1,0
	<i>шундан:</i>			
1.1	Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари	-26,8	-3,3	- 1,5
1.2	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	-0,1	- 0,1	- 0,1
1.3	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	-6,9	0,8	- 0,4

2022 йилги Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг кутилаётган тақчиллиги тасдиқланган параметрга нисбатан ошиши асосан ташқи ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг даромадларини изчил ошириш тадбирларини, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида, хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурда белгиланган тадбирларни, маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларни, молиялаштириш учун қўшимча маблағлар ажратилиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, озиқ-овқат нархларининг инфляцияси, буғдой бозорининг тўла-тўқис либерализация қилиниши туфайли жорий йил 1 июндан маҳаллий ун ва қолипчи нон нархининг эркинлаштирилиши, шунингдек 1 июлдан табақалаштирилган электр энергияси ва табиий газ тарифларининг ўрнатилиши бюджет ташкилотларининг ушбу товар ва хизматлар учун харажатлари ошишига олиб келади.

Умумий фискал тақчилликни (34,5 трлн.сўм) қоплаш ва асосий қарзни қайтариш билан боғлиқ 10,2 трлн.сўм харажатлар қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

Ташқи манбалар	Ички манбалар	Йил бошига қолдиқ маблағлар
• халқаро молиявий ташкилотларнинг қарз маблағлари ҳисобидан – 24,9 трлн.сўм • ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар – 6,9 трлн.сўм	• давлат ғазначилик облигацияларини муомалага чиқариш – 6,0 трлн.сўм • Давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобидан – 6,0 трлн.сўм	• Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 0,1 трлн.сўм • Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари – 0,8 трлн.сўм

2.3.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ

2022 йилда иқтисодий фаолликнинг тикланиши, иқтисодиётнинг ўсиши ҳамда солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ҳисобига даромадларнинг барча турлари бўйича (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва мобиль алоқаси хизмати кўрсатганлик учун акциз солиғидан ташқари) ўсиш прогноз қилинди. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг камайишига олтин учун солиқ ставкасининг **15** фоиздан **10** фоизга (Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Навоий кон-металлургия комбинати учун), мобиль алоқаси хизмати кўрсатганлик учун акциз солиғи бўйича эса солиқ ставкасини **15** фоиздан **10** фоизга тушиши билан боғлиқ бўлди.

2022 йил учун давлат бюджетини ишлаб чиқишда қуйидагилар инобатга олинган:

– инфляция даражаси **9** фоиз бўлган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг **6,6** фоизга ўсишини таъминловчи мамлакатнинг 2022 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози;

– солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ва бошқа йўналишлар бўйича 2022 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари;

– стратегик аҳамиятга эга айрим турдаги товарларнинг жаҳон бозоридаги нархларини ўзгариши прогнози.

Бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлаш ҳамда солиқ солишнинг адолатлилиқ тамойилини таъминлаш мақсадида қуйидаги солиқ ставкалари эса ўзгаришсиз қолдирилди:

– қўшилган қиймат солиғи ставкаси – **15** фоиз;

– фойда солиғи ставкаси – **15** фоиз;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси – **12** фоиз;

– айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси – **4** фоиз;

– дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган фойда солиқ ставкаси – **5** фоиз.

Қуйидаги солиқларнинг ставкалари ўзгартирилди:

а) олтин учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 15 фоиздан 10 фоизгача камайтирилди;

б) мобиль алоқаси хизмати кўрсатганлик учун акциз солиғи ставкаси 15 фоиздан 10 фоизгача камайтирилди;

в) акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди. Қатъий суммада белгиланган акциз солиғи ставкалари 2022 йил 1 июндан ўртача 10 фоизга индексация қилиниши белгиланди;

г) нефть маҳсулотлари, шу жумладан якуний истеъмолчига сотиладиган нефть маҳсулотларига солиқ ставкалари бир марта 2022 йил 1 июндан 10% га индексация қилиниши белгиланди;

д) полиэтилен гранулаларига акциз солиғи ставкаси, уларни импорт қилишда ҳам жорий қилган ҳолда **20 фоиздан 10 фоизгача** пасайтирилди;

е) суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчиларига акциз солиғи бекор қилинди;

ж) юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 2 фоиздан **1,5 фоизгача** камайтирилди.

Бунда, солиқ тўловчилар рўйхати, шунингдек юридик шахсларнинг мол мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақланиб қолинди.

з) ер солиғи ставкалари 7 фоизга, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг қатъий белгиланган миқдордаги ставкалари **10-30** фоизгача оширилди, бунда қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш, балиқ етиштириш ва деҳқон хўжаликлари учун амалдаги **40 сўм** ўзгаришсиз қолдирилди;

и) турар жой фонди объектларига, шунингдек кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойларига 2021 йилда амал қилган солиқ ставкалари **1,1 бараварга** индексация қилинди. Бунга жисмоний шахслар учун кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан 2018 йилда белгиланган солиқ солиш объектларининг (солиқ базасининг) кадастр қиймати миқдори сақлаб қолинганлиги сабаб бўлди.

2022 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгиланган кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган солиқ миқдори, 2021 йил учун ҳисобланган солиқ миқдоридан **1,3 баравардан** ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби жорий қилинди ҳамда **25 фоиз** солиқ ставкаси белгиланди.

Бундан ташқари солиқ сиёсати ва маъмуриятчилигига оид бир қатор ўзгартиришлар амалга оширилди.

1. Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

1.1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҚҚС тўлаши лозим бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони эллик гектардан йигирма беш гектаргача пасайтирилди (2021 йилгача **50** гектар эди).

1.2. Тушумидан қатъий назар ҚҚС тўловчи корхоналар доираси солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, аудиторлик ташкилотлари ва нотижорат (шу жумладан бюджет) ташкилотлари ҳисобига кенгайтирилди. Бунда нотижорат ташкилотлари фақатгина тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда ҚҚС тўловчиси ҳисобланишлари белгиланди.

1.3. Экспорт қилинадиган товарлар учун ишлатилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) ҚҚС суммасини солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига чет эл валютаси тушуми келиб тушишидан қатъи назар ҳисобга олиш тартиби белгиланди.

Ушбу норма охириги бир йил давомида валюта тушумларини ўз вақтида таъминлаб келаётган ва экспорт шартномалари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги бўлмаган интизомли солиқ тўловчиларга татбиқ этилади.

1.4. Қўшилган қиймат солиғининг салбий суммасини ўрнини қоплаш (қайтариш) учун солиқ органларига ариза билан алоҳида мурожаат қилиш ҳақидаги мажбурий талаб бекор қилинди.

2. Фойда солиғи бўйича:

2.1. Солиқ тўловчилар сафи, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва солиқ ҳисоботини топшириш муддатлари сақлаб қолинди.

2.2. 2022 йил 1 январдан фойда солиғини ҳисоблаш мақсадида амортизация қилинадиган активлар гуруҳи қайта кўриб чиқилди ва амортизациянинг йиллик нормалари (фоиз ҳисобида) ўртача **2 бараварга**, инвестициявий чегирмалар миқдори бинолар учун **5 фоиздан 10 фоизгача**, янги технологик ускуналар учун эса **10 фоиздан 20 фоизгача** оширилди.

2.3. Зарарларни жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда **10 йил** мобайнида келгусига ўтказиш бўйича ҳеловлар бекор қилинди.

2.4. Тижорат банклари томонидан шакллантирилаётган захиралар Марказий банк томонидан белгиланган нормалар **80 фоизи** миқдорида фойда солиғи ҳисобланганда харажатларга киритилиши белгиланди.

2.5. Ўқув-тарбия муассасаларига ёки етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатишга харажатлар чегириладиган харажатлар деб ҳисобланиши белгиланди.

2.6. Фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидентнинг солиқ тўлангандан кейин ўз тасарруфида қоладиган соф фойдаси дивидендларга тенглаштирилди ва **10 фоиз** солиқ ставкаси бўйича солиққа тортиш белгиланди.

3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича:

3.1. Солиқ тўловчилар сафи, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия

ҳисобварақларига **0,1 фоиз** ажратмалар ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддати сақлаб қолинди.

3.2. Солиққа тортилмайдиган даромадлар таркиби қуйидагилар ҳисобига кенгайтирилди, хусусан:

ёш оила бўлган эр-хотиннинг олган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари;

солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган иш ҳақи суммалари ва бошқа даромадлари;

солиқ тўловчининг уй-жойларни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадлари;

солиқ тўловчининг солиқ даври давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 бараваригача бўлган миқдордаги халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун нодавлат таълим ташкилотларига йўналтирган иш ҳақи суммалари ва бошқа даромадлари.

4. Ижтимоий солиқ бўйича:

4.1. Солиқ тўловчилар рўйхати, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ҳамда солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатлари сақлаб қолинди.

4.2. 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар республика туманларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизи** миқдорида белгиланди.

5. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича:

5.1. Солиқ тўловчилар рўйхати, шунингдек юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақланиб қолинди.

Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқаришда бино ва иншоотлар бўйича солиқ базаси (линияли объектлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари бундан мустасно) ушбу объектларга **1 кв. метр** учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги бўйича қуйидаги миқдордаги тартиб киритилди:

Тошкент шаҳрида – **икки миллион беш юз минг сўм**;

Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида – **бир миллион беш юз минг сўм**;

бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда – **бир миллион сўм**.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари белгиланган минимал қийматга,

туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб **0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициент киритиши** мумкинлиги белгиланди.

6. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича:

6.1. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақланиб қолинди.

6.2. Турар жой фонди объектларига, шунингдек кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойларига 2021 йилда амал қилган солиқ ставкалари **1,1** бараварга индексация қилинмоқда. Бунга жисмоний шахслар учун кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан 2018 йилда белгиланган солиқ солиш объектларининг (солиқ базасининг) кадастр қийматининг миқдори сақлаб қолинганлиги сабаб бўлди.

2022 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгиланган кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган солиқ миқдори, 2021 йил учун ҳисобланган солиқ миқдоридан **1,3** баравардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғидан озод этиш назарда тутилди. Ушбу имтиёз етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун улар йигирма уч ёшга тўлгунга қадар давлат томонидан ажратилган турар-жой хоналарига татбиқ этилиши белгиланди.

7. Ер солиғи бўйича:

7.1. Юридик ва жисмоний шахслардан ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорида белгиланган солиқ ставкаси сақлаб қолинди.

7.2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун 2021 йилда амалда бўлган ер солиғининг базавий ставкалари ўртача **1,07** бараварга индексация қилинди.

7.3. Солиқ юкининг кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида, 2022 йилда жисмоний шахслар (тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкаларидан ташқари) учун ҳисобланган солиқ суммаси 2021 йилда ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3** бараваридан ошмаслиги лозимлиги белгиланди.

7.4. Пасайтирилган солиқ ставкасини базавий солиқ ставкасига босқичма-босқич етказиш давом этмоқда. Бунинг учун Солиқ кодексининг 429-моддасида назарда тутилган юридик шахсларнинг алоҳида объектлар билан банд бўлган ер участкалари учун солиқ ставкаларига нисбатан қўлланиладиган пасайтирувчи коэффициент **0,25 дан 0,3 гача** оширилди (ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирилашмалари бундан мустасно).

8. Бошқа ўзгаришлар

8.1. 2022 йил 1 январдан бошлаб автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим бекор қилинди.

8.2. Умумий овқатланиш корхоналарига маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва йиғимлар бўйича 2021 йил 15 август ҳолатига кўра мавжуд қарздорликни, шунингдек, барча солиқлар бўйича жарима ва пеняларни 2022 йил 1 январдан 1 июлга қадар фоизларни ундирмасдан тенг миқдорларда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилди.

8.3. 2022 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига (бундан давлат улуши **50** фоиздан юқори бўлган корхоналар, ер қаъридан фойдаланувчилар ва акциз ости маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар мустасно) умумий майдони 1 000 квадрат метрдан ортиқ бўлган ер участкаларига ва (ёки) бино ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиб, қўлга киритганда мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган солиқларни тўлашни олти ой муддатга кечиктириш ҳуқуқи берилди.

2021 йилда солиқ имтиёзлари суммаси **42,1 трлн. сўмни**, шу жумладан Солиқ кодексида мувофиқ – **33,0 трлн. сўмни** (78,4 %) ташкил қилди.

Қайд этиш лозимки, 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг **46 та** қарорларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари амал қилиш муддати тугади, улар бўйича имтиёзлар суммаси **1,2 трлн сўмни** ташкил қилди.

Солиқ “имтиёзлари” умумий ҳажмида ҚҚС ҳисобига **35,7 трлн сўм**, шу жумладан **15,3 трлн. сўм** ҚҚС бўйича ноль даражали ставкасига (экспорт, халқаро ташишлар, қимматбаҳо металллар реализацияси) тўғри келади. Таъкидлаш жоизки, **ҚҚСнинг ноль даражали ставкаси қўлланилиши имтиёз деб ҳисобланмайди**, балки ҚҚСнинг ишлаш принциpidир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек бошқа омиллар ҳисобига 2022 йилда Давлат бюджети даромадларининг кутилаётган ижроси куйидагича бўлмоқда.

Умуман олганда, 2022 йил январь-апрель ойлари тушумлари асосида қилинган ҳисоб-китобларга кўра, жорий йил якунлари бўйича Давлат бюджети даромадлари **211,7 трлн сўмни** ёки Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилган прогнозга нисбатан **11,7 трлн сўмга** ортиқча бажарилиши кутилмоқда.

Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси бўйича **152 трлн.сўм** (прогноз **143,5 трлн.сўм**) даромадлар шакллантирилади, Давлат божхона қўмитаси бўйича эса белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилиб, **46,5 трлн.сўм** маблағ ундирилади.

16-жадвал

2022 йилда Давлат бюджети даромадлари прогнози ва кутилаётган ижроси, трлн.сўм

Кўрсаткичлар	Прогноз	Кутилаётган ижро	Фоизда
ЖАМИ	200,0	211,7	105,8
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	23,8	24,8	
Бевосита солиқлар	63,3	66,9	105,6
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	7,5	7,8	
Фойда солиғи	38,6	40,6	105,3
Айланмадан олинadиган солиқ	2,7	2,8	103,7
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	22,0	23,5	106,5
Билвосита солиқлар	73,2	76,8	105,0
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	8,7	9,0	
Қўшилган қиймат солиғи	53,3	57,6	108,2
Акциз солиғи	15,0	14,2	94,2
Божхона божи	4,8	5,0	104,1
Ресурс солиқлари	22,7	25,6	112,6
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	2,7	3,0	
Мол-мулк солиғи	3,2	4,1	128,5
Ер солиғи	4,3	5,0	118,0
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14,4	15,6	108,0
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,9	1,0	104,4
Бошқа даромадлар	40,8	42,3	103,8
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	4,9	5,0	

2.3.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йилги харажатларининг кутилаётган ижроси 240,9 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 28,7 фоизни ташкил этиб, тасдиқланган параметрга нисбатан 26,1 трлн. сўмга ошиши кутилмоқда.

17-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йилги кутилаётган ижроси, трлн. сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил (01.06.2022 ҳолатида)	Тасдиқланганга нисбатан (ортик "+", кам "-")	Фоизда
	Давлат бюджети харажатлари	240,9	+ 26,1	102,1
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	28,3	+ 3,1	
1	Ижтимоий харажатлар	129,3	+ 24,1	122,9
	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари шундан:	113,3	+ 24,1	127,0
	Таълим	50,7	+ 3,96	108,5
	Соғлиқни сақлаш	27,5	+ 4,75	120,9
	Маданият	2,3	+ 0,49	126,7
	Спорт	1,6	-	100,0
	Фан	1,6	+ 0,06	104,2
	Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	27,3	+ 14,3	210,3
	Пенсия жамғармасига трансфертлар	14,0	-	100,0
	Ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар	1,8	-	100,0
2	Иқтисодиёт харажатлари	27,4	+ 2,9	111,8
3	Марказлашган инвестиция харажатлари	25,1	+ 1,3	105,7
4	Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар	3,0	-	100,0
5	Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	12,9	+ 2,3	121,9
6	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	1,8	-	100,0
7	Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари	4,1	-	100,0
10	Бошқа харажатлар	35,0	+ 6,0	120,8


18-жадвал

**Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тасниф бўйича
ёйилмаси, 2022 йил учун кутилаётган ижро, трлн.сўм**

		2022 йил кутилаётган	Тасдиқлангандан фарқи, фоизда
Жами харажатлар		241,0	+12,2
1	Иш ҳақи ва стипендияларни тўлаш	71,9	+10,6
2	Ижтимоий солиқ	14,5	+13,0
3	Капитал қўйилмалар	25,1	+1,3
4	Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	129,5	+6,1
4.1	Хизмат сафарлари харажатлари	0,1	
4.2	Коммунал тўловлар, шундан:	4,4	
	<i>Электроэнергия</i>	3,8	
	<i>Табиий газ</i>	0,2	
	<i>Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси</i>	0,2	
4.3	Сақлаш ва жорий таъмирлаш	2,4	+40,2
4.4	Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар, шундан:	6,5	
	<i>Озиқ-овқат маҳсулотлари</i>	2,5	
	<i>Дори-дармонлар ва тиббий воситалар</i>	2,5	
	<i>Ёнилғи ва ЁММ</i>	0,4	
4.5	Товар ва хизматлар бўйича бошқа харажатлар	5,2	
5	Асосий воситалар бўйича харажатлар	3,3	+1,5
	<i>Асосий воситаларни капитал таъмирлаш</i>	1,0	
	<i>Асосий воситаларни сотиб олиш</i>	2,3	+2,2
6	Фоиз тўловлари	4,8	+3,1
7	Субсидиялар	12,9	+89,6
8	Ижтимоий нафақалар	27,3	+14,3
9	Бошқа харажатлар	54,3	+16,2


14-расм

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ,
2022 ЙИЛ УЧУН КУТИЛАЁТГАН, ТРЛН.СЎМ ВА ФОИЗДА**



15-расм

**ИЖТИМОЙ ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ,
2022 ЙИЛ КУТИЛАЁТГАН, ТРЛН.СЎМ**



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг кутилаётган ижроси тасдиқланган режага нисбатан кўп бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қуйидаги дастур ва тадбирлар учун қўшимча маблағлар ажратилиши билан изоҳланади:

хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ижросини таъминлашга 1 298,6 млрд сўм;

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган қўшимча харажатларга 1 414,7 млрд сўм;

нафақа олувчилар сонининг ошиши ҳисобига юзага келган қўшимча харажатларга 3,0 трлн сўм;

3 636 та маҳаллада инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорлик лойиҳаларига кредитлар учун 800,0 млрд сўм;

Тошкент шаҳри маҳаллаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, муносиб турмуш шароитини яратиш ҳамда ички йўлларни таъмирлаш мақсадида ҳар бир маҳаллага 1 млрд сўмдан ажратишга 579,0 млрд сўм;

Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш жамғармасига 500,0 млрд сўм;

маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиши билан боғлиқ харажатларга 447,2 млрд сўм;

маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш тадбирларини молиялаштириш учун 363,4 млрд сўм;

2022 йил ёзги суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирларини молиялаштириш учун 300,0 млрд сўм;

экспортерларга ташиш харажатларининг бир қисmini қоплаб бериш учун субсидия ажратишга 226,0 млрд сўм;

“Тошкент метрополитени” ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг аҳоли учун арзон тарифлар ҳисобига зарарини қоплаш учун 197,0 млрд сўм;

ҚҚС тўловчиси бўлган чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган гўшт, сут ва тухум маҳсулотларига субсидия тўлаш харажатларига 170 млрд сўм;

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ янги автобуслар сотиб олиш учун жалб қилинадиган тижорат банки кредитлари бўйича асосий қарзни қайтариш, фоизлар ва воситачилик ҳақини тўлашга 145,1 млрд сўм;

кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминотини ёпиқ тизимга ўтказиш учун индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш харажатларига 100,0 млрд сўм;

умумтаълим мактабларининг компьютер синф хоналарини замонавий компьютер техникалари ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш учун 50,0 млрд сўм.

2.3.4. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ҲАМДА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИНИНГ 2022 ЙИЛГИ КУТИЛАЁТГАН ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджет таркибига киритилган давлат мақсадли жамғармалари сони 24 тани ташкил этади.

19-жадвал

Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2022 йилги кутилаётган ижроси, млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	Давлат бюджетидан трансфертлар	Харажатлар	Давлат бюджетига трансфертлар	Йил охирига қолдиқ
I	Жами — давлат мақсадли жамғармалари	11 012	39 328	25 732	62 753	6 890	6 429
1	«Эл-юрт умиди» жамғармаси	3	0	170	170		3
2	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма	37	0	500	500		37
3	Пенсия жамғармаси	3 679	31 099	13 762	45 283		3 257
4	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	92	272	487	759		92
5	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	196	59	0	125		130
6	Жамоат ишлари жамғармаси	103	12	300	322		92
7	Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси	4	54	150	204		4
8	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	305	30	50	260		126
9	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	27	86	0	86		27
10	Ноғиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	0	1	0	1		0
11	Республика мақсадли китоб жамғармаси	278	299	605	1 154		29
12	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	716	215	553	1 205		279
13	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	315	929	0	929		315
14	Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	24	44	84	147		4
15	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича қаролат жамғармаси	458	240	0	280		417
16	Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	76	161	91	253		75
17	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	2 918	5 704	0	1 724	6 890	8
18	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	3	2	0	2		2
19	Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси	34	3	1 125	1 125		37
20	Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси	303	40	1 000	0		1 343
21	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси	848	0	4 806	5 654		0
22	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	527	0	990	1 510		7
23	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	67	80	607	607		147
24	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	0	0	453	453		0
II	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси		8 495		11 087		

2022 йилда давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг кутилаётган прогнози **39,3 трлн сўм**, харажатларининг кутилаётган ижроси **62,8 трлн сўм** миқдорида кутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар 25,7 трлн сўмни ташкил этади.

III. 2023–2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИСКАЛ СИЁСАТ

Келгуси ўрта муддатли даврда фискал сиёсат ташқи ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишга, макроиқтисодий ва фискал барқарорликни таъминлашга, инвестициявий жозибдорликни ошириш, аҳолининг муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, узок муддатли инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилади.

Макроиқтисодий ва фискал барқарорликни таъминлаш мақсадида давлат қарзи барқарорлигини халқаро меёрларга мувофиқ мўътадил даражада ушлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинадиган давлат қарзининг юқори чегарасини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиздан ошмаслигини таъминлаш лозим.

Шундан келиб чиқиб, 2022 йил учун ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгиланиб, шундан жалб қилинадиган қарзларнинг асосий қисмини ёки 2,5 млрд АҚШ долларини Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун, қолган қисмини инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтириш белгилаб қуйилди.

Шунингдек, 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 6,0 трлн сўм миқдорида белгиланди.

Ташқи қарз маблағларини макроиқтисодий хавфсиз даражада ушлаб туриш учун биринчи навбатда бюджет тақчиллигини прогноз кўрсаткичларидан ошмаслигини таъминлаш ва Давлат бюджети параметрларида назарда тутилмаган қўшимча харажатларни чеклаш талаб этилади.

Бунинг учун 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг юқори чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 3 фоиздан ошмаслигини назарда тутувчи бюджет қoidаси киритилди.

Бунда 2022 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллиги 2.3-бўлимда кўрсатилган сабабларга кўра ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз бўлиши кутилаётганлигига қарамасдан, 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллиги миқдорини 2,9 фоиз, шундан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллиги 1,9 фоиз миқдорида режалаштирилмоқда.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигини 2025 йилда 1,9 фоизгача пасайтириш мақсад қилинган.

Юқорида кўрсатилган чораларни амалга ошириш 2022 йил бошида бошланган ташқи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг, шунингдек жаҳонда хомашё, жумладан энергоресурс нархларининг ошиши сабабли келиб чиқаётган инфляция даражасининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини

юмшатиш ва бу орқали иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Бундан ташқари, давлат харажатларининг кўпайиши инфляцияга босимни кучайтиради, давлат инвестицияларининг кўпайиши эса, хусусий капитални сиқиб чиқаради. Юқори инфляция, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсири билан маълум бўлса, хусусий капиталнинг ялпи инвестициялардаги улушининг камайиши ишлаб чиқариш самарадорлигини сустлаштириши билан изоҳланади.

Шунга кўра, яқин истикболда Давлат бюджетидан маблағлар ажратишда режалаштиришдан ташқари уларнинг самарадорлигини оширишга янада кўпроқ эътибор қаратилади.

3.1. 2023–2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИСКАЛ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2023-2025 ЙИЛЛАРДАГИ СОЛИҚ-БОЖХОНА СИЁСАТИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Солиқ-божхона сиёсати бўйича:

Солиқ ва божхона тарифи сиёсатида қуйидаги ўзгаришлар кўзда тутилмоқда:

1. Қўшилган қиймат солиғи

1.1 Қўшилган қиймат солиғи ставкасини бир вақтнинг ўзида айрим ҳолларда қўлланиладиган ноль даражали ставкани қайта кўриб чиққан ҳолда **15 фоиздан 12 фоизгача** пасайтириш.

1.2 ҚҚС занжиридаги узилишларни бартараф этиш мақсадида ҚҚСни тўлайдиган корхоналар тоифасини кенгайтириш.

1.3 Мухтожларни тўғридан-тўғри ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш билан бир қаторда Солиқ кодексида назарда тутилган ҚҚС бўйича имтиёзларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш.

2. Акциз солиғи

2.1 Мобиль алоқа хизматларига акциз солиғини бекор қилиш.

2.2 Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган ва республикага импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғи ставкаларини унификация қилиш билан бирга, инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда қатъий суммаларда белгиланган акциз солиғи ставкаларини ҳар йиллик индексация қилиш амалиётини сақлаб қолиш. Унификация қилиш, жумладан, импорт қилинадиган товарларга акциз солиғини камайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга акциз солиғини жорий этиш орқали амалга оширилади.

2.3 Алкоголли маҳсулотларга акциз тўланадиган товар таркибидаги этил спирти улушидан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини ҳисоблаш ҳамда

таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликка акциз солиғининг аралаш ставкасини қўллаш тартибини жорий этиш.

2.4 Бензин ва дизель ёқилғисини ишлаб чиқаришда акциз солиғини якуний истъмолчига реализация қилинганда ундириладиган акциз солиғини, уни тўлаш бўйича мажбуриятни ишлаб чиқарувчига юклаган ҳолда бирлаштириш. Бунда, ундириладиган солиқни маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига мазкур ҳудудда рўйхатдан ўтган автотранспорт воситалари сонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

3. Фойда солиғи

3.1. Солиқнинг юқори ставкаси назарда тутилган иқтисодиётнинг барча тармоқлари (банклар, асосий фаолияти мобил алоқа хизматларини кўрсатиш бўлган корхоналар) учун фойда солиғи ставкасини **20 фоиздан 15 фоизгача** пасайтириш.

3.2. Фойда солиғи бўйича ноль даражали солиқ ставкасини қўллашда товарлар (хизматлар) экспорти улуши миқдорини ошириш. Бир вақтнинг ўзида, фойда солиғи бўйича ноль даражали солиқ ставкасининг экспорт объектлари ва хусусиятига таъсири мониторинги амалга оширилади.

4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

4.1. Жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшириш мажбурияти мавжуд бўлган шахслар тоифасини кенгайтириш.

5. Айланмадан олинадиган солиқ

5.1. Айланмадан олиндиغان солиқ тўловчилари учун солиқ ҳисоботларини тақдим этиш сони ва даврийлигини қисқартириш.

5.2. Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилари учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаларини ва солиқ ҳисоботларини топшириш муддатларини унификация қилиш.

6. Мол-мулк солиғи:

- юридик шахслар

6.1. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган базани индексацияни инобатга олган ҳолда аниқланадиган, 1 кв.метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам қийматдан келиб чиқиб аниқлаш тартибини сақлаб қолиш ва босқичма-босқич солиқ ставкасини пасайтириш. Бунда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳудудларда объектларнинг белгиланган минимал қийматига камайтириш коэффициентларини белгилаш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

6.2. Қуйидаги мол-мулк турлари бўйича камайтирилган солиқ ставкасини белгиланган умумий миқдордаги ставкага етгунга қадар ҳар йили ошириш:

умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари.

6.3. Нодавлат нотижорат ташкилотлари (шу жумладан бюджет ташкилотлари) ўзларининг нотижорат фаолияти доирасида мол-мулк солиғи ва ер солиғини ушбу солиқлардан ҳисобланган сумманинг 1 фоизини тўлашлари тартибини белгилаш.

Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик шахсларга мол-мулк солиғини тўлаганликлари учун маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ҳисобидан компенсация тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Худди шундай тартиб ер солиғи бўйича ҳам белгиланади.

6.4. Кўчмас мулк объектларини (бинолар, иншоотлар ва ер участкалари) бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қийматдан мол-мулк ва ер солиғини ҳисоблаш механизми босқичма-босқич жорий этиш ҳамда келажакда кўчмас мулкни солиққа солишни такомиллаштириш орқали мол-мулк солиғи ва ер солиғи ўрнига кўчмас мулк солиғини жорий этиш.

- жисмоний шахслар

6.5. Инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғини индексация қилиш.

6.6. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича нотурар кўчмас мулк объектлари солиқ суммаси аввалги йилдан ошмаслик амалиётини бекор қилиш билан бирга нотурар кўчмас мулк объектлари бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи базаси юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун белгиланган минимал қийматни қўллаш орқали аниқлаш тартибини киритиш.

7. Ер солиғи:

- юридик шахслар

7.1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи ставкасини қишлоқ хўжалиги экин майдонлари норматив қийматига 0,95 **фоиз** миқдорида сақлаб қолиш.

7.2. Инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини индексация қилиш.

Бунда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун Солиқ кодексида белгиланган базавий солиқ ставкаларига асосан уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида, иқтисодий ривожланишига қараб, камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, солиқ ставкаларининг аниқ миқдорини белгилаш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

7.3. Қуйидаги объектлар банд этган ер участкалари бўйича коэффициентларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали алоҳида объектлар банд этган ер участкаларига нисбатан юридик шахсларнинг ер солиғига қўлланиладиган пасайтирувчи коэффициентларни ҳар йили ошириш:

умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль кувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар — қурилишнинг норматив муддати даврида;

консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар — уларнинг консервацияси даврида.

- жисмоний шахсларга

7.4. Инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаларини индексация қилиш.

7.5. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (тадбиркорлик фаолиятида фойдаланадиган ер участкаларидан ташқари) суммасини 2023 йилда ҳисобланадиган солиқ суммаси 2022 йилда ҳисобланган сумманинг 1,3 бараваридан ошмаслигини сақлаб қолиш.

7.6. Солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар ер участкаларининг майдонига қараб деҳқон, фермер ёки ёрдамчи хўжаликларга тенглаштириш.

8. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ:

8.1. Инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини индексация қилиш.

9. Ижтимоий солиқ:

9.1. Амалдаги қоидалар ва солиқ ставкаларини сақлаб қолиш.

10. Солиқ имтиёзлари:

10.1. Солиқ имтиёзларини доимий мониторингини олиб бориш ҳамда декларатив хусусиятдаги ва самарасиз бўлган солиқ имтиёзларини бекор қилиш юзасидан таклифлар киритиш.

10.2. Солиқ харажатларини Давлат бюджетида акс эттириш учун методологиясини тайёрлаш. Ушбу методологияни ишлаб чиқиш ҳар бир солиқ харажати бўйича давлат ресурсларидан лозим даражада фойдаланганлигини аниқлаш қийинчиликларини бартараф этишга ҳам имкон беради.

Илгор халқаро тажрибага мувофиқ, кўпгина мамлакатлар солиқ харажатларидан йўқотилган даромадларни мунтазам равишда (одатда ҳар йили) баҳолайдилар ва оммавий равишда хабар берадилар. Солиқ харажатлари одатда йўқотилган даромадларда, ЯИМга нисбатан фоизларда ёки умумий солиқ тушумларининг йўқотилган улушида ўлчанади.

2023–2025 ЙИЛЛАРДА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг кейинги ўрта муддатли даврга мўлжалланган бюджет сиёсати “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”га мувофиқ амалга оширилиши мақсад қилинган бўлиб, **устувор йўналишлар** сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1) Бюджет сиёсатининг **ижтимоий йўналтирилганлигини**, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимояни ривожлантиришни таъминлаш;

2) Йиллик бюджетни шакллантиришда **“Натижага йўналтирилган бюджет”** тизимини босқичма-босқич тўлқонли жорий этиш;

3) Фискал сиёсатнинг **узоқ муддатли барқарорлигини** таъминлаш, бунда биринчи навбатда давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоизлик макроиктисодий хавфсиз даражадан ошиб кетмаслиги ва бюджет тақчиллигининг 3 фоизлик чекловлари бўйича киритилган фискал қоидаларга қатъий амал қилиш;

4) **Бюджет очиқлигини янада ошириш**, бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтиришни таъминлаш мақсадида аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кенгайтириш;

5) Бюджет харажатларини **барқарор ривожлантириш мақсадларига** боғлаш ва шу орқали барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларга эришишни жадаллаштириш;

6) **“Яшил бюджет”** тамойилларини босқичма-босқич жорий қилиш;

7) Гендер тенгликка эришишни бюджет жараёнларига интеграциялаш орқали **гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш** тизимини амалиётга босқичма-босқич жорий этиш.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет сиёсати:

Халқаро молия институтлари экспертларининг тавсияларига кўра ҳамда аҳолининг тўлов қобилияти тушиб кетишининг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатидан келиб чиқиб, шунингдек инфляция даражасининг ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида **иш ҳақи, пенсия ва нафақалар** миқдори **инфляция** даражасидан кам бўлмаган миқдорларда оширилиши режалаштирилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, 2022 йил 1 майдан ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоизга оширилган бўлса, 1 июндан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори ҳам 12 фоизга оширилди.

Бундан ташқари, инфляция даражасидан келиб чиқиб йил охиригача бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдориغا ўзгартириш киритиш чоралари кўрилади.

20-жадвал

**Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг прогноз
кўрсаткичлари, млрд сўм**

Кўрсаткичлар номи	2022 йил кутилаётган ижро	2023 йил прогноз	Фарқи	
			Суммада	Фоизда
I. Давлат бюджетидан	126 306	136 734	+ 10 428	+ 8
<i>Давлат бюджети жами харажатлардаги улуши, фоизда</i>	<i>52,4</i>	<i>55,7</i>	<i>+ 3,3</i>	<i>+ 6</i>
1. Иш ҳақи ва ижтимоий солиқ	96 433	109 934	+ 13 501	+ 14
2. Стипендиялар	1 832	1 892	+ 60	+ 3
3. Ижтимоий нафақалар	24 302	20 613	- 3 689	- 15
II. Пенсия жамғармасидан	49 022	53 895	+ 4 873	+ 10
ЖАМИ	171 589	186 333	+14 744	+ 9

Шу билан бирга 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга мувофиқ жорий йил 1 июндан олий ва биринчи малака тоифаларига эга тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг иш ҳақи миқдори табақалаштирилган тарзда 15 фоизга, иккинчи малака тоифасига эга ва тоифага эга бўлмаган, шунингдек, бошқа тиббиёт ва фармацевтика ходимлари маоши 10 фоизга, тиббиёт муассасаларининг бошқа ходимлари маоши 15 фоизга оширилди.

Шунингдек, давлат тиббиёт муассасасининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг 100 фоизигача ҳамда бошқа ходимларга 75 фоизигача ойлик устамалар, янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устамалар, оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик қўшимча устамалар, белгиланадиган рўйхатга мувофиқ юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокор-хирурглар лавозим маошининг 25 фоизи миқдорида қўшимча устама, 2022 йил 1 сентябрдан фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси учун лавозим маошининг 60 фоизигача ва фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун лавозим маошининг 30 фоизигача миқдорда ҳар ойлик қўшимча ҳақ, 2022 йил 1 июлдан бошлаб вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан, шунингдек, хорижий давлатлардан Қорақалпоғистон Республикасининг

Тахтақўпир, Чимбой, Қораузак, Бўзатов, Шуманай, Қўнғирот туманларига бориб ишловчи шифокорларнинг ойлик лавозим маошига дастлабки уч йил давомида 100 фоиз, Мўйноқ туманида эса 200 фоиз миқдорида қўшимча ҳар ойлик устама тўловлари тўланиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, **2026 йилгача** малакали ўқитувчиларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш мақсадида иқтидорли ўқитувчиларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириб бориш чоралари кўрилади.

Таълим тизимидаги бюджет сиёсати қуйидаги тадбирларни амалга оширишга қаратилади:

мактабгача таълимдаги қамров даражасини камида 80 фоиздан ошириш;

2024 йил якунига қадар 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан тўлиқ қамраб олиш;

мактаб таълими тизими учун ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта ишлаб чиқиш;

янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутувчи Мактабларни ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқиш;

олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш ҳамда таълим сифатини янада ошириш;

олий таълим муассасаларида босқичма-босқич меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов контракт миқдори ва таълим шаклини **мустакил белгилаш** тизимини жорий этиш.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги бюджет сиёсати:

1. Аралаш молиялаштиришга ўтказилган барча соғлиқни сақлаш муассасаларини **молиялаштириш тартибини** белгиловчи махсус Йўриқнома ишлаб чиқиш, унда молиялаштирилиши **Давлат тиббий суғурта жамғармаси** орқали амалга оширилишини таъминлаш орқали қуйидагилар назарда тутилмоқда:

- “**Ҳар бир даволанган ҳолат**”дан келиб чиқиб молиялаштириш тизимига ўтиш;

- имтиёзли асосда даволанадиган беморларни ордерлар (йўлланма) асосида даволашда уларга кўрсатиладиган **тиббий хизматлар тарифини** ишлаб чиқиш;

- Давлат бюджетидан маблағларни имтиёзли тоифадаги беморлар даволаниши учун белгиланган тарифлар асосида ва бюджет харажатлари иқтисодий **классификациясининг бир сатрида** молиялаштириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2023 йилдан бошлаб бошқа вилоятларда ва маъмурий ҳудудларда Сирдарё вилоятининг ижобий натижалари асосида босқичма-босқич жорий этиш.

Шунингдек, 2023 йилдан бошлаб, Сирдарё вилоятида барча туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасалари бюджетларини Сирдарё вилоят бюджети параметрлари таркибига киритиш амалиётини жорий этиш.

2. Дори воситаларини республика ҳудудига кириб келишидан бошлаб уларни беморгача етиб боришини шаффоф таъминлайдиган Ягона электрон тизим яратиш. Бунда, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, дори воситалари ва тиббий буюмларни **маркировкалаш** (штрихлаш) тизимини йўлга қўйиш.

Шунингдек, бирламчи тиббиёт муассасалари учун дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлаш материалларини марказлашган тартибда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш.

3. Соғлиқни сақлаш ташкилий тузилмалари вилоят марказидаги тор ихтисосликдаги (онкология, кардиология, офтальмология, урология, эндокринология ва бошқалар) соғлиқни сақлаш муассасаларини вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига бирлаштириш ва ҳақиқий маънодаги вилоят ягона кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятини йўлга қўйиш.

4. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тарзда дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминладиган беморларнинг **электрон ягона реестрини** яратиш.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги бюджет сиёсати:

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги **асосий йўналишлар:**

давлат ижтимоий ёрдам ва хизматларини кўрсатишда ҳар бир фуқарога индивидуал ёндашувни қўллаш;

ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш, жумладан ижтимоий хатарлар юзага келганда, ушбу ҳуқуққа эга бўлган барча шахсларни солидар равишда ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш;

ижтимоий суғурта тизими, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини, шунингдек бандликка кўмаклашиш хизматларини ўзаро уйғунлаштириш;

хавф остида бўлган оилалар ва болалар, ногиронлиги бўлган болалар ва шахслар, зўравонликдан жабр кўрган аёллар ва болалар ҳамда қарияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий хизматлар кўламини такомиллаштириш;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш орқали давлат томонидан кўрсатилаётган барча

турдаги ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини олиш учун ариза бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат ресурсларини самарали тақсимлаш ва мақсадли сарфланишини таъминлаш;

ижтимоий ҳимоя дастурларини самарадорлигини мониторинг қилиш, самарасиз дастурларни мақбуллаштириш ва аҳолини камбағалликдан олиб чиқишдаги энг самарали инструментларни такомиллаштириш;

барча ижтимоий ҳимоя дастурларини мувофиқлаштирувчи ягона органни белгилаш.

Бунда асосий мақсади фуқароларнинг кутилмаган ҳолатларда (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, бахтсиз ҳодиса, иш ўринларининг қисқариши ва бошқа ҳолатларда) даромадсиз қолишдан ҳимоя қилиш этиб белгиланадиган **Ижтимоий суғурта жамғармасини** ташкил этиш таклиф этилади.

Ижтимоий суғурта жамғармасинининг **асосий вазифалари** этиб қуйидагиларни белгилаш:

расмий ишловчи ходимларда ижтимоий суғурта ходисалари юзага келганда қонунчиликда белгиланган тартибда кафолатланган тўловларни амалга оширилишини таъминлаш;

Жамғарма тушумлари ва харажатларини ҳисобини юритиш ва мониторинг олиб бориш;

ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириб бориш.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

биринчи босқичда, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланади. Бунда, ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасининг унинг меҳнат стажига ва иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланган миқдорининг қолган қисмини тўлаш иш берувчилар ҳисобидан амалга ошириш;

иккинчи босқичда, 2024 йилдан бошлаб хўжалик корхоналарида расмий ишловчи аёлларга умумий иш стажига ва суғурталанган стажига ҳамда ўртача иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш ва бу орқали ушбу харажатларни иш берувчи зиммасидан тўлиқ олиш;

учинчи босқичда, 2025-2030 йилларда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, ишсиз қолиш нафақаси, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари оқибатидаги суғурта тўловларини амалга ошириш таклиф этилади.

Ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашни янада такомиллаштириш:

“Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ фаолиятини кенгайтириш орқали ипотека кредитлари бозоридаги роли ва иштирокини фаоллаштириш.

Бунда:

бозор ипотека кредитлари учун Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ресурс маблағлари ажратиш Компания орқали амалга оширилади;

Компания томонидан ипотека қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни инвесторлар орасида жойлаштириш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида норматив-ҳуқуқий база ишлаб чиқилади.

3.2. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЎРТА МУДДАТЛИ ДАВР УЧУН ПРОГНОЗЛАРИ

2023–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети прогноз параметрларини ишлаб чиқишда давлат қарзининг ўрта муддатли даврда макроиктисодий хавфсиз ҳисобланган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоизлик ва тақчилликнинг 3 фоизлик юқори чегараси бўйича киритилган “Фискал қоидалар”га амал қилиш мақсад қилинган.

21-жадвал

Консолидациялашган бюджетнинг 2023 йилги прогнози ва 2024–2025 йиллардаги мўлжаллари, трлн сўм

Кўрсаткичлар		2023 йил прогноз	2024 йил мўлжал	2025 йил мўлжал
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	295,9	322,3	352,0
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	29,9	28,1	26,5
	Давлат бюджети даромадлари	224,7	247,2	273,1
	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	44,3	46,2	48,2
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари**	15,7	16,4	17,3
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	11,3	12,4	13,5
II	Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертлар	28,8	34,6	39,1
III	Консолидациялашган бюджет харажатлари	325,4	354,6	377,8
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	32,9	30,9	28,5
	Давлат бюджети харажатлари *	245,8	271,6	290,4
	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	42,7	43,4	45,0
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари**	15,6	16,3	17,0
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	11,3	12,4	13,5
	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	10,0	11,0	12,0
IV	Консолидациялашган бюджет сальдоси	-29,5	-32,3	-25,8
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	-3,0	-2,8	-1,9
	<i>шундан: Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари</i>	-2,0	-1,9	-1,1
V	Давлат қарзларини сўндириш	11,2	11,7	12,3
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	1,1	1,0	0,9

* Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертларсиз кўрсатилган.

** Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари ва харажатлари маълумот учун кўрсатилган

2023 йилги Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари **295,9 трлн сўм** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 29,9 фоиз, харажатлари **324,9 трлн сўм** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 32,8 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда.

2023 йилги консолидациялашган бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари

22-жадвал

2023 йилги консолидациялашган бюджет тақчиллиги

Кўрсаткичлар	трлн.сўм	ЯИМга нисбатан, фоизда
Консолидациялашган бюджет тақчиллиги	-29,5	-3,0
шундан:		
Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллиги	-19,6	-2,0
Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари	0,1	-
Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	-10,0	1,0

2023 йилги консолидациялашган бюджет тақчиллигини, шунингдек **11,2 трлн.сўм** миқдоридаги давлат ташқи қарз бўйича асосий қарзни сўндириш харажатларини қоплаш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилмоқда:

23-жадвал

Ташқи манбалар	Ички манбалар
- халқаро молиявий ташкилотларнинг қарз маблағлари ва узоқ муддатли евро облигациялардан тушумлар ҳисобидан – 19,3 трлн сўм - ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар – 10,0 трлн сўм	- Давлат қимматли қоғозларини чиқаришдан тушумлар – 7,0 трлн сўм - Давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобидан – 6,0 трлн сўм

Изоҳ: Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари **1,5 трлн сўм** ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари **0,1 трлн сўм** қолдиқ билан прогноз қилинган.

2023–2024 йиллар учун бюджет лойиҳаси билан олдинги йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонунидаги бюджет мўлжалларининг асосий фарқи

2023–2024 йиллар учун бюджет лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети жамланма параметрларининг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сон қонунига мувофиқ 2023–2024 йиллардаги бюджет мўлжалларидан фарқ қилиши асосан қуйидагилар билан тушунтирилади:

1. Даромад қисми юзасидан:

- ялпи ички маҳсулот прогнозларидаги ўзгаришлар;
- инфляциянинг кутилган даражасидан ошиб кетиши;
- валюта айирбошлаш курсларидаги ўзгаришлар;
- жаҳон бозорида олтин ва мис нархининг ўзгарганлиги, иқтисодий фаолликни тикланганлиги ҳамда солиқ сиёсатида киритилган ўзгартиришлар натижасида қайта кўриб чиқилди.

2. Харажат қисми юзасидан:

- 2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ 2023 йилги Давлат бюджети харажатларининг қайта кўриб чиқилиши;

- айрим соҳалар бўйича бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори ва унга тенглаштирилган тўловларининг 2022 йилда оширилиши (тасдиқланган бюджетда режалаштирилгандан ташқари);

- ижтимоий нафақа оладиган оилалар сонининг ўртача 25 фоизга оширилиши;

барча тадбиркорлик субъектларида ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш тизими жорий этилиши;

- энергия ресурслари тарифларининг эркинлаштирилиши муносабати билан бюджет ташкилотларининг коммунал хизматлари учун ҳамда сув насос станцияларининг электр энергия истеъмоли учун қўшимча маблағлар ажратилиши;

- шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити учун давлат бюджетидан тижорат банкларига мақсадли ресурслар ажратишни 2 баробарга оширилиши;

давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидияларнинг 3 баробарга оширилиш;

экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш харажатлари қарийб 4 баробарга оширилиши;

иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларини паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатларининг қарийб 2 баробарга оширилиши ва бошқалар.

б) Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари бўйича:

- “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағларининг қарийб 80 фоизга оширилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари асосида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини бир қисмини қоплаш учун компенсациялар берилиши;

- Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхати кенгайтирилганлиги.

в) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари сарфланиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари асосида устувор лойиҳаларни молиялаштириш зарурати туғилганлиги сабабли.

24-жадвал

2023–2024 йиллар учун бюджет лойиҳаси билан олдинги йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонунидаги бюджет мўлжаллари бўйича солиштирма жадвал, трлн сўм

Кўрсаткичлар		Бюджет қонунига (ЎРҚ–742) асосан бюджет мўлжаллари		Бюджет лойиҳаси (ортик “+”, кам “-“)	
		2023 йил	2024 йил	2023 йил	2024 йил
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	276,7	316,5	+19,2	+5,8
1.	Давлат бюджети даромадлари	214,5	249,3	+10,2	-2,1
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	35,2	38,3	+9,1	+7,9
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	11,3	12,4	-	-
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари**	15,7	16,5	-0,15	-0,15
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	304,6	347,2	+20,3	+7,3
1.	Давлат бюджети харажатлари*	202,7	238,5	+42,7	+33,0
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	62,8	67,7	+10,0	+11,5
	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини сарфланиши	10,1	11,1	+1,2	+1,3
3.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари**	15,6	16,3	-0,15	-0,15
4.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	13,5	13,6	-3,5	-2,6
III.	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	28,2	30,4	+0,6	+4,2
IV.	Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит +, дефицит -)	-27,9	-30,7	-1,1	-1,6
V.	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит +, дефицит-)	-15,8	-18,6	-3,3	-2,9
VI.	Давлат қарзларини сўндириш	11,4	15,1	-0,2	-3,4

* Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда

** Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари ва харажатлари маълумот учун

3.2.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЎРТА МУДДАТЛИ ДАВР УЧУН ПРОГНОЗЛАРИ

2023–2025 ЙИЛЛАР УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ

Кўзда тутилаётган ўзгаришлар, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, 2023 йил учун Давлат бюджети даромадлари **224,7 трлн.сўм** ёки ялпи ички маҳсулот прогнозига нисбатан **22,7 фоиз** миқдорида белгиланмоқда.

25-жадвал

2023-2025 йилларда Давлат бюджети даромадлари прогнози,

трлн.сўм

Кўрсаткичлар	2023 йил учун прогноз	2024 йил мўлжал	2025 йил мўлжал
ЖАМИ	224,7	249,4	275,7
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>22,7</i>	<i>21,7</i>	<i>20,8</i>
Бевосита солиқлар	75,1	85,0	97,1
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>7,6</i>	<i>7,4</i>	<i>7,3</i>
Фойда солиғи	43,1	46,5	50,9
Айланмадан олинadиган солиқ	3,5	4,2	5,1
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	28,4	34,3	41,2
Билвосита солиқлар	82,5	91,4	99,5
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>8,3</i>	<i>8,0</i>	<i>7,5</i>
Қўшилган қиймат солиғи	60,1	66,8	72,6
Акциз солиғи	15,9	17,8	19,8
Божхона божи	6,5	6,8	7,1
Ресурс солиқлари	26,2	27,7	29,2
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>2,7</i>	<i>2,4</i>	<i>2,2</i>
Мол-мулк солиғи	4,9	5,2	5,6
Ер солиғи	5,3	5,8	6,3
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14,9	15,4	15,8
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1,2	1,3	1,5
Бошқа даромадлар	40,9	45,2	49,9
<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>4,1</i>	<i>3,9</i>	<i>3,8</i>

Давлат бюджетининг бошқа даромадлари таркибида давлат улушига ҳисобланган дивидендлар, бюджет ссудалари бўйича фоизлар, давлат божи, йиғимлар ва жарималар тушиши прогноз қилинган.

Жаҳон иқтисодиётидаги юқори ноаниқликлар 2023 йил Давлат бюджети даромадларининг аниқроқ прогнозларини амалга оширишда қийинчиликлар туғдиради.

Шунга қарамай даромадлар прогнози дастлабки макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозидан ва солиқ-божхона сиёсатидаги кўзда тутилаётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган:

- инфляция даражаси 5 фоиз бўлган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг **6,6 фоизга** ўсишини таъминловчи мамлакатнинг 2023 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози;

- жаҳон бозорида олтин (1700 долл. / троя унция) ва мис нарҳини (8500 долл. / тн);

- валюта курсининг кичик миқдордаги ўзгариши;

- импорт ҳажмининг, айниқса акциз солиғининг бекор қилиниши натижасида халқ истеъмол товарлари импорт ҳажмини кичик даражада ошиши;

- энергия ташувчиларининг тариф нархларини кичик даражадаги ошиши;

- даромадларнинг салмоқли қисмини ташкил қилувчи асосий маҳсулотлар ва акциз солиғига тортиладиган товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши.

2023–2025 ЙИЛЛАР УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ПРОГНОЗИ

Давлат бюджетининг 2023 йилдаги харажатларининг прогнози (трансфертлар билан бирга) 245,3 трлн сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,8 фоизни ташкил этади.

26-жадвал


Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари, соҳалар кесимида, 2023–2025 йиллар учун прогноз, трлн сўм

T/р	Кўрсаткичлар	2023 йил прогноз	2024 йил мўлжал	2025 йил мўлжал
	Давлат бюджети харажатлари	245,8	271,6	290,4
	<i>Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда</i>	<i>24,8</i>	<i>23,7</i>	<i>21,9</i>
1	Ижтимоий харажатлар	126,1	146,6	157,4
	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари шундан:	109,3	125,9	132,6
	Таълим	54,7	63,6	66,8
	Соғлиқни сақлаш	26,9	29,4	31,4
	Маданият	2,1	2,3	2,4
	Спорт	2,0	2,1	2,2
	Фан	1,8	3,6	4,0
	Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	18,9	21,6	22,3
	Пенсия жамғармасига трансфертлар	15,0	18,5	22,0
	Ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фойз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар	1,8	2,3	2,7
2	Иқтисодий харажатлари	23,2	24,7	25,9
	<i>шундан:</i>			
	Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	7,3	7,5	7,8
	Ташаббусли бюджетлаштириш харажатлари	1,7	1,8	1,9
3	Марказлашган инвестиция харажатлари	25,1	28,0	31,5
4	Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар	3,0	3,0	3,0
5	Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	14,4	16,1	16,8
6	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	1,6	1,7	1,7
7	Иш ҳақи ва коммунал хизматлар тарифларини ошириш харажатлари	13,2	6,8	7,0
8	Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фойз харажатлари	4,5	4,7	5,0
9	Бошқа харажатлар	34,7	39,9	42,1

**Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тасниф бўйича ёйилмаси,
2023–2025 йиллар учун прогноз, трлн сўм**


		2023 йил	2024 йил	2025 йил
Жами харажатлар		246,7	277,6	296,9
1	Иш ҳақи ва стипендияларни тўлаш	63,2	74,1	77,9
2	Ижтимоий солиқ	14,8	16,9	17,7
3	Капитал қўйилмалар	25,1	28,0	31,5
4	Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	22,6	23,2	23,8
	<i>шундан:</i>	0,0	0,0	0,0
4.1	Хизмат сафарлари харажатлари	0,7	0,8	0,8
4.2	Коммунал тўловлар, шундан:	7,7	7,7	8,1
	<i>Электроэнергия</i>	6,8	6,8	7,2
	<i>Табиий газ</i>	0,5	0,5	0,5
	<i>Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси</i>	0,2	0,2	0,2
4.3	Сақлаш ва жорий таъмирлаш	2,4	2,5	2,6
4.4	Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар, шундан:	6,5	6,6	6,9
	<i>Озиқ-овқат маҳсулотлари</i>	2,8	2,9	3,1
	<i>Дори-дармонлар ва тиббий воситалар</i>	2,9	0,0	3,3
	<i>Ёнилғи ва ЁММ (кўмир)</i>	0,7	0,7	0,8
4.5	Товар ва хизматлар бўйича бошқа харажатлар	4,2	4,4	4,5
5	Асосий воситалар бўйича харажатлар	2,7	2,6	2,6
	<i>шу жумладан:</i>	0,0	0,0	0,0
	<i>Асосий воситаларни сотиб олиш</i>	2,7	2,4	2,4
6	Фоиз тўловлари	4,5	4,7	5,0
7	Субсидиялар	11,5	12,1	12,7
8	Ижтимоий нафақалар	18,9	21,6	22,0
9	Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича харажатлар	2,5	2,7	2,8
10	Бошқа харажатлар	0,1	0,1	0,1

Давлат бюджети харажатлари, соҳалар кесимида, 2023–2025 йиллар учун прогноз, трлн. сўм



17-расм

Ижтимоий харажатлар таркиби, 2023–2025 йилларга прогноз, трлн сўм



2023 ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ, ИНВЕСТИЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ВА СУБСИДИЯЛАР.

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукумати қарорларига мувофиқ қабул қилинган **Давлат дастурлари ва тадбирларни** амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2023 йилда жами **57,5 трлн сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, транспорт-коммуникация, техник-муҳандислик, энергетика объектларини қамраб олган инфратузилма тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш имконини беради.

Давлат бюджетидан 2023 йилда соҳалар кесимида қуйидаги Давлат дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда (млрд сўмда):

28-жадвал

Давлат дастурлари ва тадбирларига жами	57 514
Таълим бўйича жами	7 390
<i>Мактабгача таълими соҳаси бўйича</i>	2 344
<i>Халқ таълими соҳаси бўйича</i>	787
<i>Олий ва ўрта таълим соҳаси бўйича</i>	4 259
Фан (илмий-тадқиқот муассасалар) соҳаси бўйича	1 441
Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича	1 757
Маданият соҳаси бўйича	437
Спорт соҳаси бўйича	622
Тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш харажатлари	1 776
Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича	5 181
Иқтисодиёт харажатлари бўйича	10 499
Бошқа мақсадли тадбирлар	2 000
Бошқа йирик харажатлар	26 711
<i>Бюджетдан ташиқари Пенсия жамғармасига трансфертлар</i>	15 000
<i>Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатлар</i>	4 510
<i>Барча тадбиркорлик субъектларида ишловчи аёлларнинг ҳомиладорлик нафақа пулини бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш</i>	1 700
<i>Сув хўжалиги вазирлиги ташиқилотлари сув насос станцияларининг электр энергия истеъмоли учун харажатлар</i>	5 501

II. 2023 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури учун 25,1 трлн сўм ажратилиши режалаштирилган (млрд сўмда):

29-жадвал

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури жами	25 117
Ижтимоий соҳалар, шу жумладан:	6 747
<i>Олий таълим муассасалари</i>	900
<i>Умумтаълим мактаблари</i>	2 557
<i>Мактабгача таълим ташкилотлари</i>	1 050
<i>Тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар</i>	1 400
<i>Жисмоний тарбия ва спорт</i>	570
<i>Маданият ва санъат</i>	200
<i>Илм-фан ва инновация</i>	70
Сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда канализация	1 520
Йўл-транспорт инфратузилмаси:	2 900
Ирригация ва мелиорация:	1 600
Маъмурий-худудий, муҳандислик-инфратузилма, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни куриш ҳамда реконструкция қилиш	4 700
Бошқа йўналишлар	3 250
Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш	350
«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига асосан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича	3 500
Аэропортларнинг аэродром комплексларини куриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари учун	550

III. Давлат бюджетидан ажратилиши режалаштирилаётган субсидиялар тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ 2023 йилда Давлат бюджети ҳисобидан ажратилиши белгиланган субсидияларнинг умумий қиймати 11,5 трлн сўмни ташкил этади.

Ушбу маблағлар асосан ижтимоий-иқтисодий, транспорт-коммуникация, экспортни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги, аҳоли бандлигини таъминлаш каби соҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилади.

Бюджет **субсидияларининг** умумий қийматини асосан қуйидагилар ташкил этади (млрд сўм):

30-жадвал	
Субсидиялар жами	11 535
Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Давлат бюджетидан субсидиялар	2 100
Аҳолига арзон уй-жойлар қуриш мақсади учун	1 800
Иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларни паст нархларда ушлаб туриш натижасида қўрилган зарарни қоплаш харажатлари	1 551
Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлашга субсидиялар	1 082
Давлат-хусусий шериклик ва давлат олий таълим ташкилотларининг буюртмалари асосида талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун субсидиялар	554
Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тадбирларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар	490
Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш кудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш харажатлари	435
Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари томонидан етиштирилиб, сотилган маҳсулотлар учун субсидиялар	370
“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағларини шакллантириш	300
“Тошшаҳартранс” ва Электрпоездларда йўловчилар ташишни субсидиялаш (тарифни паст нархларда ушлаб туриш натижасида зарарни қоплаш учун)	252
Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар	188
Ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ижара асосида яшаётган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг ижара харажатларини бир қисmini қоплаб бериш маблағлари	177

3.2.2. 2023–2025 ЙИЛДА БЮДЖЕТДАН АЖРАТИЛАДИГАН БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари ўрта муддатли давр учун асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг дастлабки прогнози, Давлат бюджети даромадлари прогнози ва шундан келиб чиққан ҳолда аниқланган тақчилликнинг чекланган миқдоридан келиб чиқиб, базавий йилдаги (жорий молия йили) харажатларга оширувчи коэффициент (инфляция даражасига мувофиқ) қўлланган ҳолда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг давлат дастурлари ва тадбирларга қўшимча талаб этиладиган маблағлар, шунингдек капитал қўйилмалар тўғрисидаги дастлабки таклифлар, маҳаллий бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари томонидан трансфертларнинг миқдорлари бўйича таклифлар асосида ишлаб чиқилади.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари, шунингдек объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорлари ушбу Стратегиянинг **1-иловасига**, давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертларнинг чекланган миқдорлари **2-иловага**, маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари **3-иловага** мувофиқ етказиб берилади.

3.2.3. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИНИНГ 2023 ЙИЛГИ ПРОГНОЗИ ВА 2024–2025 ЙИЛЛАРДАГИ МЎЛЖАЛЛАРИ

2023 йилда давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари тушуми (трансфертларсиз) прогнозлари тегишинча **44,2 трлн сўм** ва **11,3 трлн сўмни**, **харажатлари** (трансфертлар билан) **72,8 трлн сўм** ва **11,3 трлн сўмни** ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг 2024–2025 йиллардаги даромадлари (трансфертларсиз) мўлжаллари тегишинча **46,2 трлн сўм** ва **48,2 трлн сўмни**, **харажатлари** (трансфертлар билан) мўлжаллари **79,2 трлн сўм** ва **85,4 трлн сўмни** ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2024–2025 йиллардаги даромадлари мўлжаллари тегишинча **12,4 трлн сўм** ва **13,5 трлн сўмни**, **харажатлари** мўлжаллари тегишинча **12,4 трлн сўм** ва **13,5 трлн сўмни** ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертлар миқдорининг 2023 йилги прогнози

28,8 трлн сўмга, 2024-2025 йиллардаги мўлжаллари 34,6 трлн сўм ва 39,1 трлн сўм миқдорида прогноз қилинмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатларининг 2023 йилги прогнози ва 2024–2025 йиллардаги мўлжаллари Фискал стратегиянинг 3-иловасида келтирилган.

3.2.4. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Халқаро ташкилотлар экспертларининг тавсияларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети қамровини ошириш, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари самарадорлигини ошириш ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг ишлатилишида бюджет ташкилотлари раҳбарларининг ҳисобдорлигини ва масъулиятини кучайтириш мақсадида 2021 йилдан бошлаб барча бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети билан қамраб олинди.

3.3. ДАВЛАТ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

I. Давлат қарзининг жорий ҳолати


2022 йилнинг 1 январь ҳолатига давлат қарзи 26,3 млрд. АҚШ долларини (2021 йилда 2,9 млрд. АҚШ доллар ёки 12,4 фоизга ошган) ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 38,0 фоизни ташкил этди. Шундан:

давлат ташқи қарзи – 23,6 млрд. АҚШ доллар ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 34,0 фоизни (Ҳукумат ташқи қарзи – 17,0 млрд. АҚШ доллар, давлат кафолатлаган ташқи қарз – 6,6 млрд. АҚШ доллар) ёки жами давлат қарзининг 89,7 фоизини ташкил этади;

давлат ички қарзи – 2,7 млрд. АҚШ доллар ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,0 фоиз ёки жами давлат қарзининг 10,3 фоизини ташкил қилган.

Халқаро молия институтлари олдидиги қарздорлик 10,9 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан, Ўзбекистон Республикасининг **Осиё тараққиёт банки** олдидаги қарздорлиги - 5,2 млрд. АҚШ доллари (давлат ташқи қарзининг 22 фоизи), **Жаҳон банки** олдидаги қарздорлиги – 4,3 млрд. АҚШ доллари (18 фоизи), **Ислом тараққиёт банки** олдидаги қарздорлиги – 0,9 млрд. АҚШ доллари (4 фоизи) ҳамда бошқа халқаро молия институтлари олдидиги қарздорлиги (Халқаро валюта жамғармаси, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, “ОПЕК” Халқаро тараққиёт жамғармаси, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ҳамда Европа тараққиёт ва тикланиш банки) 0,5 млрд. АҚШ долларини (2 фоизи) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси (йил охирига)



31-жадвал

Ташқи қарзнинг манбалари бўйича таҳлили

млн АҚШ долл. экв.

Кўрсаткич номи		2020 йилда		2021 йилда	
1	Жами Давлат ташқи қарзи	21 093,7	100%	23 565,9	100%
1.1.	Халқаро молиявий институтлар	10 057,0	47,7%	10 916,1	46,3%
	Осиё тараққиёт банки	4 984,9	23,6%	5 218,8	22,1%
	Жаҳон банки	3 733,8	17,7%	4 327,5	18,4%
	Ислом тараққиёт банки	874,3	4,1%	875,0	3,7%
	Бошқалар	464,0	2,2%	494,8	2,1%
1.2.	Кредитор мамлакатлар	9 290,8	44,0%	10 044,6	42,6%
	ХХР	4 019,6	19,1%	4 200,2	17,8%
	Япония	2 375,6	11,3%	2 659,5	11,3%
	Жанубий Корея	997,9	4,7%	1 019,2	4,3%
	Франция	682,2	3,2%	584,6	2,5%
	Германия	146,5	0,7%	129,0	0,5%
	Россия	619,4	2,9%	907,3	3,8%
	Саудия Арабистони	142,2	0,7%	141,5	0,6%
	Италия	0,0	0,0%	93,7	0,4%
	Люксембург	96,1	0,5%	91,7	0,4%
	Қувайт	71,7	0,3%	89,8	0,4%
	Испания	106,5	0,5%	97,4	0,4%
	АҚШ	25,6	0,1%	24,3	0,1%
	БАА	5,0	0,0%	5,0	0,0%
	Польша	2,4	0,0%	1,4	0,0%
1.3.	Инвесторлар	1 745,9	8,3%	2 605,2	11,1%
	Халқаро облигациялар	1 745,9	8,3%	2 605,2	11,1%

Шу билан бирга, хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари олдидаги қарздорлик 10,0 млрд АҚШ доллариға тенг бўлиб, шундан, давлат ташқи

қарздорлигининг 4,2 млрд. АҚШ доллари **Хитой Халқ Республикаси** (давлат ташқи қарзнинг 18 фоизи), 2,7 млрд. АҚШ доллари **Япония** (11 фоизи), 1,0 млрд АҚШдоллари **Корея Республикаси** (4 фоизи) ва 2,1 млрд. АҚШ доллари (9 фоизи) бошқа кредитор мамлакатлар (Франция, Германия, Россия, Саудия Арабистони, Люксембург, Кувайт, Испания, АҚШ, БАА, Польша) ҳиссасига тўғри келди.

Халқаро молия бозорларида **халқаро инвесторлар** орасида жойлаштирилган 2,6 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги (давлат ташқи қарзининг 11 фоизи) Ўзбекистон Республикаси суверен халқаро облигациялари давлат ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, бюджетни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзбек эмитентлари учун халқаро капитал бозорини очиш учун хизмат қилмоқда.

Давлат ташқи қарзи халқаро молиявий институтлар, кредитор мамлакатлар ва инвесторлар кесимида қуйидагича:

Ҳисоб-китобларга кўра, давлат ташқи қарзи (23,6 млрд АҚШ долл.) асосан, ёқилғи-энергетика (6,0 млрд АҚШ долл.), бюджетни қўллаб-қувватлаш (5,9 млрд АҚШ долл.), транспорт ва транспорт инфратузилмаси (2,6 млрд АҚШ долл.), қишлоқ хўжалигини ривожлантириш (2,5 млрд АҚШ долл.), уй-жой қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатиш (2,2 млрд АҚШ долл.), кимё саноати (1,2 млрд АҚШ долл.), таълим ва соғлиқни сақлаш (0,7 млрд АҚШ долл.) ва телекоммуникация (0,2 млрд АҚШ долл.) каби ижтимоий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳалардаги лойиҳалар ва бошқа лойиҳаларни (2,3 млрд АҚШ долл.) молиялаштиришга йўналтирилган.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жами 4,9 млрд АҚШ долларга тенг 33 та ташқи қарз битимлари (шу жумладан, суверен халқаро облигациялар) имзоланган бўлиб, мазкур битимлар бюджетни қўллаб-қувватлаш (1,8 млрд АҚШ долл.), қишлоқ хўжалиги ва ирригация тизимини модернизация қилиш (332,3 млн АҚШ доллар), шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш (575 млн АҚШ доллар), транспорт соҳасида ислохотлар (512,6 млн АҚШ доллар), уй-жой қурилиши ва коммунал хизмат кўрсатиш (690,1 млн АҚШ доллар), соғлиқни сақлаш (499,8 млн АҚШ доллар) каби лойиҳаларни ва бошқа лойиҳаларни (510,5 млн АҚШ доллар) ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлат ташқи қарзини жалб қилиш манбаларининг асосий қисми халқаро молиявий институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредит маблағлари ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, 2021 йилда давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш жами харажатлари (давлат бюджети ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобидан)

1 351,3 млн АҚШ долларини (ЯИМга нисбатан 2,0 фоизни) ташкил этди. Шундан:


- давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилган давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари – 447,3 млн АҚШ доллар;

- корхоналар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари – 904,0 млн АҚШ доллар.

Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари мамлакат экспортига нисбатан 8,1 фоизни ташкил этди.

19-расм

Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари



II. Давлат қарзини бошқариш чоралари бўйича амалга оширилган ишлар

1. 2019 йилда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки кўмагида Давлат қарзини бошқаришнинг ўрта муддатли стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бугунги кунда давлат қарзини бошқариш мазкур стратегияга мувофиқ амалга оширилиб келинмоқда;

2. 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун билан давлат ташқи қарзни жалб этиш бўйича шартномаларнинг чекланган ҳажмини ўрнатиш амалиёти жорий қилинди;

3. 2020 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан биргаликда қарз барқарорлиги таҳлили амалга оширилди ва илк бор 2021 йил учун бюджетномада акс эттирилди;

4. 2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан давлат қарзининг энг юқори миқдори (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиз) ва давлат ички қарзини жалб қилиш бўйича шартномалар бўйича йиллик лимитлар белгилаш амалиёти жорий қилинди;

5. 2020 йилда АҚШ Ғазначилиги, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки экспертларининг тавсиялари асосида “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа 2022 йилнинг 29 мартда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-4883-сонли қарори билан 2021 йилдан бошлаб ички мажбуриятлар бўйича давлат кафолати берилиши тўхтатилди.

7. 2018 йилда Молия вазирлиги томонидан илк бор муомала даври 6 ой, 1 йил ва 3 йил бўлган умумий қиймати 597,1 млрд сўм миқдоридаги давлат қимматли қоғозлари аукцион савдоларини ўтказиш орқали жойлаштирилди. Сўнгги давр мобайнида давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳажми қарийб 14 баробарга оширилди;

8. 2020 йилда АҚШ Ғазначилиги консултиватив кўмагида давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш учун инфратузилмани такомиллаштириш чоралари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган ҳисоб-китоб тизимини шакллантиришга қаратилган йўл-харита ишлаб чиқилди;

9. 2020 йилда давлат қарзи портфелини валюта бўйича диверсификация қилиш мақсадида 2 трлн сўм миқдоридаги миллий валютада деноминация қилинган илк суверен халқаро облигациялар 14,50% купон ставкаси билан Лондон фонд биржасида жойлаштирилди;

10. 2021 йилда давлат қарзи портфелини муддатлар кесимида диверсификациялаш, қайта молиялаштириш хатарларини камайтириш ва даромадлилик эгри чизиғини шакллантириш мақсадида илк бор муомала даври 5 йил бўлган 100 млрд сўмга тенг давлат қимматли қоғозлари чиқарилди;

11. 2018 йил 20-21 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикасининг “S&P” ва “Fitch” агентликлари томонидан баҳоланган илк суверен кредит рейтинги олинди. Суверен кредит рейтинг олингани хорижий инвесторлар томонидан мамлакатимиз молиявий хатарларини баҳоланишига имкон бериб, Ўзбекистоннинг ташқи молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга хизмат қилди;

12. Халқаро рейтинг агентликлари тавсиялари, шунингдек рейтинг методологиялари таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

13. 2019 йилдан бери давлат қарзи статистикаси шаффофлиги таъминлаш мақсадида Давлат қарзи ҳолати ва динамикасининг чораклик шарҳи (давлат тили ва инглиз тилида) ва хорижий инвесторлар учун махсус ойлик ахборотнома (инглиз тилида) Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилмоқда ва хорижий инвесторларга юборилмоқда;

14. UNCTAD (Бирлашган миллатлар ташкилотининг савдо ва ривожлантириш бўйича конференцияси) ва Осиё Тараққиёт Банки кўмаги билан Ўзбекистон Республикаси Давлат қарзи мониторингини юритиш, унга

хизмат кўрсатиш, ҳисоб ва ҳисоботларни автоматлаштириш мақсадида вазирлик томонидан давлат қарзини бошқариш ва молиявий таҳлил тизими (DMFAS-6 дастурий мажмуаси) жорий қилинди.

Бугунги кунга қадар мазкур дастурий таъминотга давлат ички ва ташқи қарзига оид 400 дан зиёд қарзлар (кредитлар) тўғрисида маълумот киритилди. Ҳозирда ушбу дастурий таъминотдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг ахборот тарқатишнинг махсус стандарти (SDDS)га мувофиқ ахборот шакллантириш ҳамда тарқатиш мақсадида Осиё тараққиёт банки гранти остида UNCTADнинг техник кўмагини жалб қилиш устида иш олиб борилмоқда.

III. Давлат қарзини бошқаришнинг 2023-2027 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари

2022-2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси белгиланган тартибда тасдиқланиб, кучга кириши кутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси асосида давлат қарзини хавфсиз даражада сақлаш ва самарали бошқариш кўзда тутилади.

Бугунги кунда қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тасдиқлаш учун киритилган.

Давлат қарзини самарали бошқариш мақсадида қуйидаги вазифалар амалга оширилиши назарда тутилмоқда:

давлат қарзи ҳажмини мақбул даражада сақлаб туриш;

давлат қарзи бўйича маълумотларнинг янада очиқлигини кенгайтириш ва халқаро стандартларга мослигини доимий таъминлаб бориш;

давлат қарзини диверсификациялаш ва валюта хатарларини пасайтириш;

давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш;

давлат қарзига кафолатли хизмат кўрсатиш ҳамда давлатнинг фискал барқарорлигини таъминлашни назарда тутган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш таклифларини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизнинг жаҳон молия тизимида жадал интеграциялашуви шароитларида давлат қарзини самарали бошқариш ўрта ва узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

3.4. МАКРО-ФИСКАЛ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Бюджет жараёни иштирокчилари учун бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашда молиявий ресурслардаги йўқотишларни баҳолаш фискал таваккалчиликлар таҳлили ҳисобланади.

Макроиктисодий шоклар асосий иқтисодий ва бюджет параметрларининг прогноз кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, давлат қарзи ва бюджет тақчиллигининг прогноз кўрсаткичлари ошишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун, Ҳукумат томонидан ташқи қарз жалб қилишни эҳтиёткорлик билан бошқариш, айниқса капитал лойиҳалар истиқболлигини кучайтириш ва уларни бюджет жараёнига тўлиқ интеграциялашни таъминлаш зарур. Шунингдек, фискал таваккалчиликларни, жумладан давлат корхоналари ва давлат-хусусий шериклиги томонидан юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни баҳолашни кучайтириш лозим.

Ўрта муддатли даврда давлат бюджетига таъсир этувчи глобал трендлар ва ташқи омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Глобал миқёсда давом этаётган пандемия ҳамда сақланиб қолаётган иқтисодий вазият билан боғлиқ ноаниқликлар.

Ҳукумат томонидан ўз вақтида зарур ва манзилли чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги пандемия даврини нисбатан муваффақиятли енгиб ўтишга имкон берди. Келгусида юзага келиши мумкин бўлган пандемия таъсирларини олдини олиш, уни жиловлаш бюджет харажатларида соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя харажатларига устуворлик беришни тақозо этади.

2. Россия-Украина можароси ортидан юзага келган вазиятнинг таъсирлари.

Инфляцион босим остида иш ҳақи ва пенсия тўловларининг қўшимча индексацияси амалга оширилиши, миллий валютанинг асосий жаҳон валюталарига нисбатан қадрсизланиши, меҳнат мигрантларининг оммавий мамлакатга қайтиши ва Ўзбекистонда доимий даромад манбасига эга бўлолмаслиги оқибатида Давлат бюджетидан нафақа олувчи оилалар сонининг ортиши каби омилларнинг таъсирида бюджет харажатларининг ошиши кутилади.

Халқаро молия ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган қарз (кредит) маблағлари бўйича фоиз ставкасининг ўсиши ташқи қарз маблағларини жалб қилиш жозибадорлигини пасайтиради. Аввалги йилларда эришилган давлат қарзига нисбатан макроиктисодий шароит ўзгарганлиги сабабли давлат қарз маблағларини жалб қилиш харажатлари ошади.

3. Глобал энергия ресурслари нархлари ўзгариши.

Айни пайтда Россия ва Украина ўртасидаги зиддиятлар ортидан, асосан, АҚШ ва Европа мамлакатлари томонидан Россияга нисбатан қўлланилаётган санкциялар натижасида глобал энергия ресурслари нархида сезиларли ўсиш кузатилди. Жумладан, жаҳон бозорида нефть нархи 2014 йилдан, табиий газ нархи эса 2008 йилдан бери энг юқори кўрсаткичга эришди. Бунга асосий сабаб Россия бир қатор Европа мамлакатлари учун асосий энергия ресурслари таъминотчиси эканлиги билан изоҳланади.

4. Жаҳон миқёсида кузатилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини кескин ошиши.

Жаҳон озиқ-овқат таъминотидаги ўзгаришлар, озиқ-овқат танқислиги хавфи ижтимоий кескинликнинг кучайиши эҳтимолини оширди, бу эса истиқболни янада оғирлаштиради. Глобал миқёсда озиқ-овқат нархларининг кескин ўсиши аҳолининг заиф қатламларига таъсир қилади, камбағаллар сонини оширади. Аҳолининг заиф қатлами камбағалларни озиқ-овқат нархларининг юқорилигидан ҳимоя қилиш зарурияти бюджетнинг ижтимоий харажатлари ошишига олиб келади.

Ушбу глобал тренд ва ташқи омиллар натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети прогнозларида кузатилиши мумкин бўлган рискларни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

1. Макроиқтисодий ўзгаришларнинг турли сценарийлар асосидаги таҳлили.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичларининг кутилганидан 1 фоизга кам (кўп) бўлиши Давлат бюджети даромадларини 950 млрд сўмга камайтириши (кўпайтириши) мумкин;

инфляция даражасининг кутилганидан 1 фоизга баланд (паст) бўлиши солиққа тортиш базасига таъсир ўтказган ҳолда асосан фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларни 270 млрд сўмгача кўпайтиради (камайтиради);

иш ҳақи ва пенсия бўйича тўловлар миқдорининг инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча равишда 1 фоизга оширилиши йилига 880 млрд. сўм атрофида, пенсия миқдорининг оширилиши эса 500 млрд. сўм миқдорида қўшимча харажатлар талаб этади;

валюта курсининг режалаштирилганидан ўртача 100 сўмга мустаҳкамланиши (қадрсизланиши) Давлат харажатларини қўшимча равишда 216 млрд. сўмга, шундан Давлат қарзига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни 131 млрд. сўмга кўпайтиради (камайтиради), давлат бюджети даромадларини эса 585 млрд. сўмга камайтиради (кўпайтиради);

стратегик хомашё ресурсларини қазиб олиш ҳамда четга сотиш ҳажмлари сақланиб қолинганда, табиий газнинг жаҳон бозорида нархи 10 АҚШ доллари/1000 м³ ортиши 135 млрд сўм, олтиннинг (1 унция) нархи 100 АҚШ долларига ўзгариши 2 650 млрд. сўм, ҳамда мис нархининг (1 тоннасига) 1000 АҚШ долларига кўтарилиши 1 075 млрд. сўм миқдоридаги Давлат бюджети тушумлари кўпайишига олиб келади.

2. Фискал сиёсатнинг ўзгариши

Солиқларни йиғиб олишдаги солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ муаммолар ва тақдим этилаётган турли имтиёзлар сабабли самарали солиқ ставкасининг кўшилган қиймат солиғи бўйича 1 фоизга камайиши (кўпайиши) давлат бюджетига тушумларни 4,3 трлн сўмгача қисқаришига (ортишига) олиб келади.

Бундан ташқари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида ҳукумат томонидан кўшимча ижтимоий дастурлар қабул қилиниши натижасида давлат бюджетидан нафақа олувчи оилалар сонининг кўшимча равишда ҳар 10 минг нафарга ортиши бюджет харажатларини 44 млрд. сўмга оширади.

Шулардан келиб чиқиб, узоқ муддатли истикболда макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида давлат қарзини макроиқтисодий хавфсиз даражада ушлаб туриш ҳамда консолидациялашган бюджет тақчиллигини белгиланган прогнозлар доирасидан ошмаслиги таъминланиши лозим.

IV. ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ

4.1. БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ВА НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтиш ислохотлари.

Бюджетни режалаштиришнинг амалдаги тизимида стратегик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги бюджет маблағларини солиқ-бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг молиявий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаш имкониятини чеклайди.

2020 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясига асосан солиқ-бюджет сиёсатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги **“Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш”** (Дастурий бюджетлаштириш) тизимини жорий этиш белгиланди.

Дастурий бюджетлаштириш тизими - бу Ўзбекистон Республикаси сиёсатининг устувор йўналишларини ва бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда стратегик мақсадлар асосида ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш натижалари билан Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари харажатларини тақсимлаш жараёнининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган бюджет ижросини режалаштириш, бажариш ва назорат қилиш тизимидир.

Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтишнинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

бюджет соҳасидаги қонунчилик сифатини ошириш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, жамоат ва ҳукумат назоратини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳукуматга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш;

вазирликлар ва идораларнинг устувор вазифалари асосида белгиланган мақсадларга эришиши ва уларнинг ижроси юзасидан жавобгарлигини кучайтириш;

вазирлик ва идораларга Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлашга, шунингдек ажратилган маблағлар ҳисобидан эришилган натижаларни (мақсадли индикаторларни) баҳолаш имконияти яратилади;

марказий ва маҳаллий даражаларда давлат бошқарувини такомиллаштириш;

дастурий мақсадларни ишлаб чиқиш, дастурларни амалга оширишнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга ошириш бўйича ҳисоботлар тартибларини такомиллаштириш.

Мазкур тизимда вазирлик ва идораларнинг бюджет харажатлари дастурлар кесимида тасдиқланади ва у ўз ичига соҳанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларни (мақсадли индикаторни) олади.

Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ушбу тизимга ўтиш босқичма-босқич амалга оширилишини инобатга олиб, 2021-2022 йилларда вазирлик ва идораларнинг бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари тасдиқланди.

Ривожлантириш дастури - бу маблағ тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси ҳамда Ҳукумат қарорларига асосан келиб чиқадиган, шунингдек маблағ тақсимловчи органларнинг концепциялари ва стратегияларида белгиланган мақсадлар ижросини таъминлаш мақсадида, уч йилдан кам бўлмаган давр учун тузиладиган дастурлар. Бунда ривожлантириш дастурлари ўз ичига ажратилган маблағлар натижасида эришиладиган сифат ва миқдор кўрсаткичларни (мақсадли индикаторларни) олади.

Мақсадли индикатори (Performance Indicators) - бу ривожлантириш дастурларида белгиланган мақсадларга пировардида эришиладиган сифат ва миқдор кўрсаткичларини баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичлардир. Шунингдек, мақсадли индикаторлар қуйидаги шаклларга бўлинади:

Якуний натижа кўрсаткичи (Outcome indicator) – бу эришиладиган асосий мақсадни тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, маблағ тақсимловчи органларнинг тегишли фаолият соҳасидаги вазиятининг сифат ва миқдорий ўзгаришини акс эттиради;

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи (Output indicator) – бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ҳар бир тадбир учун сотиб олинган товар ва хизматлар ҳажмини тавсифловчи кўрсаткич.

Молиявий ва номолиявий кўрсаткич (Input indicator) - бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ҳар бир тадбир учун сотиб олинган товарлар учун ажратиладиган молиявий ва номолиявий ресурслар.

Ушбу ислохатлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2021 йилда синов тариқасида биринчи марта Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг мақсадли индикаторлари тасдиқланди.

Мазкур вазирлик ва идораларнинг мақсадли индикаторларининг ижроси тўғрисидаги даврий ҳисоботлари Олий Мажлис палаталарига муҳокама қилиш учун киритиб борилди.

2021 йил якуни бўйича синов тариқасида қабул қилинган мақсадли индикаторларнинг ижроси бўйича йиллик ҳисоботи Ҳисоб палатаси томонидан баҳоланди ва тегишли хулосалар берилди.

Дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишнинг кейинги босқичида хорижий тажриба ҳамда халқаро ташкилотлар экспертларининг тавсиялари асосида 2022 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунда 40 та вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари белгиланди.

Бунда, Молия вазирлиги бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, LINPICO SARL (Франция) консалтинг ташкилоти, Америка Ғазначилик департаменти, Осиё тараққиёт банки ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-73-сонли қарорида берилган топшириққа мувофиқ Дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишнинг дастлабки босқичида вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш ва уларни самарадорлигини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

2022 йил ва 2023-2025 йиллар учун мақсадлар тўғрисида:

Дастурий бюджетлаштириш тизимини самарали ва сифатли жорий этиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарурияти туғилмоқда. Жумладан:

2022 йил мобайнида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини қабул қилиш;

вазирлик ва идоралар ходимларининг билим салоҳиятларини ошириш мақсадида Дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича ўқув курслари ва тренинглар ўтказиш;

“Очиқ бюджет” ахборот порталида вазирлик ва идораларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятида мақсадли индикаторлар ижросини мониторинг қилиш ва ҳисоботини тузиш ҳамда уни кенг жамоатчиликка очиқлигини таъминлаш учун электрон тизимини ишга тушириш;

2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасида назарда тутиладиган вазирлар ва идораларнинг бюджет маблағлари билан боғлиқ фаолиятининг мақсадли индикаторларини ишлаб чиқиш.

2023-2025 йиллар истиқболлари:

1. Дастурий бюджетлаштириш тизимини самарали жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига хорижий тажриба асосида Бюджет дастури тўғрисида тегишли моддалар киритиш;

2. Мақсадли индикаторлари тасдиқланадиган вазирлик ва идоралар сонини ошириш, бу орқали уларнинг жорий харажатларига мақсадли индикаторларни қўллаш;

3. Синов тариқасида 2 та вазирлик ва идоранинг жами бюджет харажатларини хорижий тажрибадан келиб чиқиб, **бюджет дастурлари** асосида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4. 2023 йил учун вазирлик ва идораларнинг бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматининг баҳолаш хулосаси уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириб бориш амалиёти жорий этилади.

5. 2023-йилда халқаро экспертлар ёрдамида бюджет харажатларининг мақсадли индикаторларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни қуйидан (қуйи ташкилотлардан) юқорига тўғри шаклланишини автоматлаштириш орқали тартибга солиш учун бир вазирлик мисолида синовини ўтказиш, бунда ахборот тизимини яратиш ёки UzASBO дастурини такомиллаштириш чораларини қўриш.

Ушбу ислохат натижасида кутилаётган асосий мақсад вазирлик ва идораларнинг марказий аппаратлари ўзларининг тасарруфида бўлган қуйи ташкилотларининг бюджет харажатлари ва мақсадли индикаторларининг режалари ва ижроси тўғрисидаги маълумотларни **“реал вақт”** режимида олиш ва вазирликларнинг ички аудит хизматлари томонидан баҳолаш ҳамда масофавий мониторинг қилиш имконияти яратилади.

Маълумот учун дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича халқаро тажриба.

Бугунги кунга келиб, дунёнинг кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари Давлат молиясини бошқариш тизимида дастурий бюджетлаштириш ёки натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизими жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этиш орқали Давлат молиясини бошқаришни такомиллаштирмоқда ва ўз тизимини ривожлантиришда кўплаб мамлакатлар тажрибасидан фойдаланмоқда. Турли давлатлар тизимларига мисоллар тариқасида Янги Зеландия ва Россия Федерацияси учун жараёнлар қуйида келтирилади.

Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси:

Янги Зеландия

Дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича дунёнинг энг яхши тажрибаси ҳисобланган Янги Зеландия давлати ушбу тизимга 1980 йилдан бошлаб ўтишни ва 1989 йилда дастурий бюджетлаштириш тизимига тўлиқ ўтилган. Бунда, ислохотлар аввалида бюджет харажатларининг самарадорлигини баҳолашда якуний натижа кўрсаткичларга урғу берилган. Лекин, ислохотлар натижасида ушбу кўрсаткични баҳолашда ва мониторингини юритишда бир қатор муаммоларга дуч келган. Жумладан, мақсадли индикаторлар ижроси бир қатор вазирликларга боғлиқлиги ва баҳолашда ташқи омиллар мавжудлиги сабабли айрим муаммоларни олиб келган.

Шу муносабат билан, Янги Зеландия мамлакати бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолаш учун бошқа давлатларга нисбатан асосан бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичларига урғу беришни бошлаган.

Ушбу давлат бюджет лойиҳасини тайёрлашда стратегик режалаштириш принципи асосида шакллантиради. Бунда, давлатнинг сиёсий мақсадлари ва белгиланган вазифаларини амалга ошириш учун ушбу мақсадларни бюджет дастури кесимида ишлаб чиқади ва тегишли мақсадли индикаторларни белгилаб беради.

Янги Зеландия бюджети жараёни уч босқичдан иборат:

1. Стратегик режалаштириш босқичи;
2. Бюджет стратегияси бўйича муҳим қарорларни қабул қилиш;
3. Бюджетни шакллантириш босқичи.

Стратегик режалаштириш босқичи:

Одатда ушбу босқич июнь ва декабрь ойлари мобайнида шакллантирилади. Бунда, бюджет бўйича умумий стратегия ва мақсадларни шакллантириш, даромад ва харажатлар прогнози, бюджет тақчиллиги ва қарз маблағлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу босқичда соҳа вазирлик ва идоралар томонидан кейинги тўрт йиллик стратегияларини шакллантиради. Молия вазирлиги томонидан ҳукуматнинг стратегик бюджет ва солиқ сиёсати мақсадлари тўғрисида ҳужжат тайёрланади ва 31 мартга қадар Парламент муҳокамасига тақдим этилади.

Қарор қабул қилиш босқичи:

Ушбу босқич одатда январь ва апрель ойлари оралиғида бўлади. Тармоқ вазирлик ва идоралар томонидан соҳаларини ривожлантириш бўйича таклифларини ишлаб чиқади ва Молия вазирлигига кўриб чиқиш учун тақдим этади. Молия вазирлиги ушбу таклифларни таҳлил қилган ҳолда, ҳукуматга муҳокама қилиш ва қарор қабул қилиш учун киритади.

Бюджет лойиҳасини шакллантириш босқичи:

Ҳукумат томонидан қабул қилинган бюджет таклифларини, тармоқ вазирлик ва идоралар тегишли маълумотларни жумладан, бюджет харажатлари бўйича талаблари ва янгиланган ижтимоий-иқтисодий маълумотларини Молия вазирлигига тақдим этади.

Россия Федерацияси

Россия Федерациясида дастурий бюджетлаштириш 2004 йилдан бошлаб жорий этиш бошланган. Бунда, ушбу тизимни самарали жорий этиш мақсадида Россия Федерацияси ҳукуматининг 2004 йил 22 майдаги “Бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 249-сонли қарори қабул қилинган.

Маълумот учун: Мазкур ҳужжат бюджет жараёнини 2004-2006 йилларга мўлжалланган асосий мақсадларини белгилаб берган. Бундан ташқари, Россия Федерацияси дастурий бюджетлаштириш тизимига тўлиқ ўтмаган.

Шу билан бирга, ҳукумат қарорига асосан идоралараро мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш бўйича низом қабул қилинган¹. Идоралараро мақсадли дастурни ишлаб чиқиш бир соҳанинг барча қатламини ўз ичига олади. Мисол учун, таълим тўғрисидаги дастур барча турдаги таълим (Олий, ўрта, мактабгача ва бошқалар) йўналишларини ўз ичига олади.

Федерал бюджет харажатлари жами 52 та давлат дастурларига бўлинган бўлиб, қолган айрим турдаги харажатлар, жумладан Президент Администрацияси, Бош Прокуратура, Олий Суд ва бошқаларга дастурлар ишлаб чиқиш жорий этилмаган.

Бюджет дастурлари вазирлик ва идораларнинг буйруқлари асосида тасдиқланиб, қуйи дастурлар ҳам мавжуд. Энг сифатли бюджет дастурларини ишлаб чиққан вазирлик ва идоралар моддий рағбатлантирилиши жорий этилган.

Шунингдек, маҳаллий даражадаги ҳокимиятларга дастурлар ишлаб чиқиш қонуний мажбур қилинган бўлиб, ҳар бир ҳокимият ўз ижтимоий-иқтисодий ифратузилмасидан келиб чиқиб дастурлар ишлаб чиқишига рухсат берилган. Маҳаллий даражадаги ҳокимиятларга дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этиш 2016 йилдан бошлаб татбиқ этилган.

Маълумот учун: Россия Федерациясига яқуний натижа ва бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари қўлланилади.

¹ Россия Федерациясининг 19.04.2005й. “Идоралараро мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 239-сонли қарори

4.2. ФИСКАЛ ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Бюджет очиклигини таъминлаш бўйича олдинги даврларда амалга оширилган ислохотлар

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқишда жамоатчиликни ролини ошириш, халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш бўйича сўнгги йилларда жиддий ўзгаришлар амалга оширилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, юртимизда фуқаролик жамиятининг ривожланиши барча соҳаларда ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Давлат бюджетини бошқаришда ҳам фуқароларнинг “Бюджет саводхонлигини” ошириш ва бюджет маълумотларини очиклигини таъминлаш орқали бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда унинг натижадорлигига эришиш, шу билан бир қаторда турли ҳил коррупцион ҳолатларни олдини олишда ижобий натижаларга эришиш мумкин ва бу халқаро тажрибада синалган усул ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш, уларни бюджет соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида 2019 йилдан бошлаб аҳоли учун тушунарли ва содда кўринишда маълумотларни ёритиб бераётган “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри чоп этиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар жами **14 та нашр** чоп этилиб фуқароларга ҳавола этилди.

Давлат бюджети ижроси ҳамда молия соҳасига оид қизиқарли маълумотларни ёритиб бориш мақсадида 2021 йилда “Очиқ бюджет” ахборот портали янги талқинда ишга туширилди. Нафақат мустақил изланувчилар ёки талабалар балки оддий фуқаролар ҳам эндиликда Давлат бюджети, унинг шаклланиши ва ижроси тўғрисида тўлақонли маълумотларга эга бўлишлари имконияти яратилди.

Фуқаролар иштирокидаги бюджет жараёнини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда харажатларнинг камида 5 фоизини бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш бўйича **2021 йилда ўтказилган эксперимент натижаларига кўра**, 2022 йилда барча туман ва шаҳар бюджетларининг 5 фоизи миқдорида маблағлар ушбу мақсадлар учун йўналтирилиши жорий этилди.

Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг бирданига юзага чиқиши айнан қайси соҳаларда муаммолар фуқаролар учун долзарб эканлигини кўрсатиб берди ҳамда бундан тегишли хулоса қилган ҳолда

хукумат томонидан тегишли чоралар кўришни тақазо этди. Биргина мисол, 2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнида фуқароларни энг кўп қизиқтирган йўналиш сифатида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш соҳаси кузатилганини инобатга олиб, 2022 йилдан бошлаб барча туман ва шаҳар бюджетларида ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида **50 фоиз қисми** жамоатчилик фикри асосида йўналтириш тизими жорий этилди. Мазкур йўналиш бўйича “Очиқ бюджет” ахборот порталида **“Менинг йўлим”** лойиҳаси ишга туширилди.

Шу билан бирга, жорий йилдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар бажарилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳисоботларини **Олий Мажлис Сенатида** ҳар чорак якунида эшитиб бориш амалиёти жорий этилди.

Ушбу жараёнларнинг очик ва шаффофлигини таъминлаш учун ташаббусли бюджет жараёни ижроси юзасидан ҳисоботларни ҳар чорак якунлари бўйича мажбурий тартибда туман ва шаҳар ҳокимликлари сайтида мажбурий эълон қилиш тартиби жорий этилиб, мазкур маълумотларни жойлаштириш тартибини бузиш – **бюджет жараёнини очиклиги тартибини бузиш** сифатида қайд этилиши белгиланди.

Бюджет жараёни очиклигини таъминлаш бўйича назорат қилувчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси **Ҳисоб палатаси** белгиланиб, ўтган давр давомида бюджет очиклигини таъминламаган бир қанча вазирлик ва идораларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги **қарор (фармойиш)** лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун уни 10 кун муддатга “Е-қарор” электрон тизимига жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилиши туман ва шаҳар бюджети қўшимча манбаларидан фойдаланишда жамоатчилик назоратини ўрнатиб, маблағларни мақсадли сарфланиши ва энг аввалом бор долзарб харажатлар учун йўналтирилишига имкон яратади.

Шаффофлик сари яна бир қўйилган қадамлардан бири – бу бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда сарфланган **маблағларнинг натижадорлиги** бўйича кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида “Очиқ бюджет” ахборот порталида вазирлик ва идораларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятида **мақсадли индикаторлар ижросини мониторинг қилиш ва ҳисоботини очиклаш** тизими жорий этилганидир.

Бюджет очиклигини таъминлаш бўйича кейинги даврларда амалга ошириладиган ислохотлар

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари жорий этиш ҳамда уни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган **Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида** бир нечта вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, келгуси йилдан бошлаб ижтимоий соҳа объектларини қуриш ёки реконструкция қилиш, **“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”,** ҳудудий инфратузилма дастурлари доирасидаги лойиҳалар жамоатчилик учун **очик эълон қилиниб, кенг жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқиладиган** тизимни яратиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, давлат, жамият ва маҳалла ҳаётида фаол иштирок этган фуқаролар танловини ўтказиш ва уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, шу жумладан, ҳар йили **ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида фаол иштирок этган** ҳамда ташаббус кўрсатган фуқароларни мукофотлаш тизимини жорий этиш режалаштирилган.

4.3. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА БОҒЛАШ

Ўрта муддатли даврда барқарор ривожланишнинг миллий мақсадларига эришиш учун йўналтирилаётган бюджет харажатларини баҳолаш тизимини жорий қилиш мақсадида Давлат бюджети харажатларини барқарор ривожлантириш мақсадларига боғлаш, шу жумладан, “Яшил бюджет” тамойилларини жорий қилиш услубиётини ишлаб чиқиш чоралари кўрилади.

“Яшил бюджет” – бюджетдан молиялаштрилаётган тадбирларнинг (харажатларнинг) иқлим ўзгаришига, экологик ҳолатга ҳамда ҳавога чиқариладиган зарарли газларни камайишига таъсири нуқтаи назардан таснифлашдан иборат.

“Яшил бюджет” тизимини жорий қилиш:

1. Иқлимнинг ижобий ўзгаришига таъсир қилувчи ҳамда экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги тадбирлар билан бюджет ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш имконини беради ва бу борадаги бюджет харажатларининг очиклигини, жамоат ва инвесторларнинг хабардорлигини таъминлайди.

2. Иқлим ижобий ўзгариши ва экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган бюджет харажатлар миқдорини аниқлаш ҳамда ушбу мақсадларга халқаро молия институтларининг грант, қарз маблағларини ҳамда халқаро яшил облигацияларни чиқариш имконини беради (яшил облигацияларни чиқаришнинг муҳим шартларидан бири).

3. Бюджет сиёсатини, хусусан бюджетдан амалга ошираладиган янги дастурларни иқлим ўзгариши ва экологик ҳолатга таъсирини баҳолаш имконини беради.

4. Яшил иқтисодиёт харажатларига устувор аҳамият бериш орқали харажатлар самарадорлигини ва натижадорлигини оширишга кўмак кўрсатади.

“Яшил бюджетлаштириш” бўйича Франция тажрибаси тўғрисида

2020 йилдан бошлаб Европа Иттифоқи умумий бюджетининг камида 30 фоизи иқлимнинг салбий ўзгаришларини юмшатишга қаратилган бўлиши ҳамда аъзо давлатлар ҳам ўз бюджетларини шу рақамга мувофиқлаштириб бориши лозимлиги белгиланган.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқидаги 11 та давлатда “Яшил бюджет” жорий этилган ва Европа Иттифоқидаги бошқа давлатлар унга ўтиш юзасидан тайёргарлик ишларини (методологиясини ишлаб чиқиш, ходимларни ўқитиш ва ҳоказо) бошлаган.

Францияда “Яшил бюджет” сўнгги икки йил давомида қўлланилаётган бўлиб ва Европа Иттифоқи давлатлари ичида ушбу йўналишдаги илғор мамлакат ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Францияда ҳам фақатгина марказий бюджет харажатлари (ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларидан ташқари) “Яшил бюджет” методологияси бўйича таснифланмоқда. Маҳаллий (коммуналар) бюджетлари харажатларини таснифлашга ўтиш босқичида.

Франция тажрибасига асосан бюджет харажатларининг экологик ҳолатга, иқлимга таъсиридан келиб чиқиб, **тўқ яшил ранг** (иқлим учун ижобий), **оч яшил ранг** (иқлим ўзгаришига ижобий лекин айрим салбий таъсири бўлиши мумкин, лекин ижобий таъсири устунликка эга), **кул ранг** (иқлимга таъсири нейтрал), **жигар ранг** (иқлимга ва атроф-муҳитга таъсири салбий) каби ранглар билан таснифланади.

Бунда бюджетдан молиялаштириладиган ҳар бир тадбирнинг иқлимга таъсири баҳоланади.

Мисол учун, электрда ҳаракатланувчи ер усти метро линиясини қуриш ёнилғида ишловчи машиналар ҳаракатининг камайиши ҳисобига шаҳарда ўрта муддатда атмосферага зарарли газларни чиқаришни камайтиради. Қисқа муддатда эса метро қурилиши яшил майдонларни камайишига олиб келади. Ўрта муддатда ушбу тадбирни молиялаштириш – яшил харажат, қисқа муддатда – жигар ранг харажат.

“Яшил бюджет” тизимини жорий қилиш учун Франция тараққиёт агентлиги билан қуйидаги **чора-тадбирлар амалга ошириш режалаштирилган:**

- “Яшил бюджет” методологиясини босқичма-босқич ишлаб чиқиш, жорий этиш ва бу соҳада тегишли мутахассисларни ўқитиш;

- Барқарор (яшил) давлат харидлари стандартлари ва индикаторлари юзасидан тренинглар ўтказиш, уни ишлаб чиқиш бўйича йўл харитасини шакллантириш;

- “Яшил” солиқ сиёсати юзасидан маҳаллий мутахассисларга тренинглар ўтказиш ҳамда солиқ тизимини иқлим ўзгаришига таъсири юзасидан дастлабки ўрганишлар ўтказиш;

- “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини жорий этишга доимий маслаҳатчи ажратиш орқали техник кўмак кўрсатиш.

2022-2025 йиллар учун биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари

млрд. сўм

T/P	Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари номи	Жорий йил учун ажратилган	2023 йил		Мақсадли мўлжаллар			
			прогноз	2022 йилга нисбатан ўзгариши (фонзда)	2024 йил *		2025 йил *	
					Сумма	2023 йилга нисбатан ўзгариши (фонзда)	Сумма	2024 йилга нисбатан ўзгариши (фонзда)
Жами		172 014	174 111,2	101	197 606	113	212 967	108
1	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	25 816	29 337	114	33 633	115	35 340	105
2	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги	6 492	7 233	111	7 989	110	8 389	105
3	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4 147	5 809	140	7 869	135	8 503	108
4	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	3 087	3 945	128	4 466	113	5 487	123
5	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	728	955	131	1 107	116	1 227	111
6	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги	843	1 024	121	2 773	271	3 094	112
7	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	1 324	1 519	115	1 748	115	2 011	115
8	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	616	833	135	951	114	987	104
9	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	3 440	4 179	121	4 385	105	4 657	106
10	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги	55	71	129	78	109	81	104
11	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	5 877	6 390	109	6 892	108	7 448	108
12	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	38	49	127	37	77	39	105
13	Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси	1 105	1 258	114	1 315	105	1 371	104
14	Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси	187	186	100	197	105	206	105
15	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий меърос вазирлиги	602	313	52	341	109	366	107
16	Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги	1 113	1 650	148	1 796	109	1 928	107
17	Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	14	16	110	18	113	19	105
18	Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	137	150	110	161	107	170	106
19	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	517	659	128	690	105	713	103
20	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси	9	10	113	12	114	12	105
21	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	11	12	112	14	114	14	105
22	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	1 254	768	61	820	107	851	104
23	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси	225	526	234	713	135	195	27
24	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	359	327	91	333	102	360	108
25	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	532	537	101	573	107	605	106
26	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	416	768	185	790	103	807	102
27	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	160	181	113	201	111	206	103
28	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	179	230	129	244	106	256	105
29	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	761	1 793	236	1 947	109	2 063	106
30	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**	73 274	57 797	79	63 619	110	69 841	110
31	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	1 536	1 677	109	1 899	113	1 996	105

Т/Р	Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари номи	Жорий йил учун ажратилган	2023 йил		Мақсадли мўлжаллар			
			прогноз	2022 йилга нисбатан ўзгариши (фоизда)	2024 йил *		2025 йил *	
					Сумма	2023 йилга нисбатан ўзгариши (фоизда)	Сумма	2024 йилга нисбатан ўзгариши (фоизда)
32	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	1 606	1 494	93	1 657	111	1 740	105
33	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси	815	1 013	124	1 101	109	1 178	107
34	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати	60	68	113	76	112	80	105
35	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси	243	285	117	296	104	310	105
36	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)	8	10	131	11	113	12	105
37	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	1 357	1 513	111	1 733	115	1 837	106
38	Ўзбекистон Республикаси Олий суди	1 005	1 263	126	1 452	115	1 556	107
39	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди	12	8	66	9	114	10	105
40	Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши	33	33	99	37	114	39	105
41	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги	21	26	121	29	112	30	105
42	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси	12	14	113	15	113	16	105
43	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси	561	537	96	594	111	629	106
44	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги	21	41	200	47	113	49	105
45	«Ўзархив» агентлиги	10	13	124	14	112	15	105
46	Республика Маънавият ва маърифат маркази	63	43	68	47	109	50	105
47	Гидрометеорология хизмати маркази	181	174	96	197	113	208	106
48	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази	11	13	119	15	112	16	105
49	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги	213	282	132	296	105	309	104
50	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	148	217	146	358	165	370	103
51	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	328	394	120	446	113	475	106
52	Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги	197	221	112	244	110	261	107
53	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси	120	150	125	160	107	170	106
54	Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси	68	76	112	85	113	90	105
55	Президент таълим муассасалари агентлиги	431	473	110	528	112	569	108
56	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	236	374	158	634	170	774	122
57	Ўзбекистон Республикаси Усимликлар карантини ва химояси агентлиги	92	102	110	110	108	115	105
58	Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги	233	196	84	211	108	227	108
59	Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги	8	8	112	9	112	10	105
60	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)	1	1	100	1	100	1	100
61	Бошқа ташкилотлар	29 066	34 866	120	39 582	114	42 581	108

* 2023-2024 йиллар Ўзбекистон Республикаси бюджети параметрларини шакллантиришда аниқлик киритилади.

2022-2025 йиллар учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

млрд. сўм

Т/р	Биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилари номи	2023 йил прогноз					2024 йил мўлжал*					2025 йил мўлжал*				
		ЖАМИ	шундан				ЖАМИ	шундан				ЖАМИ	шундан			
			Бюджет маблағлари		Давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари	Бюджетдан ташқари жамғармалари		Бюджет маблағлари		Давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари	Бюджетдан ташқари жамғармалари		Бюджет маблағлари		Давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари	Бюджетдан ташқари жамғармалари
			Жорий харажатлар	Капитал қўйилмалар				Жорий харажатлар	Капитал қўйилмалар				Жорий харажатлар	Капитал қўйилмалар		
Жами		194 872,7	155 504,0	18 607,2	10 000,6	10 760,8	219 850,9	176 944,2	20 661,4	11 000,2	11 245,1	236 718,7	189 827,7	23 139,4	12 000,4	11 751,1
1	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	29 422,9	28 981,6	355,0		86,3	33 722,9	33 226,1	406,6	0,0	90,2	35 434,1	34 873,7	466,1		94,3
2	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги	7 385,6	7 186,9	46,2	95,0	57,5	8 069,2	7 989,4		19,7	60,1	8 451,4	8 388,6			62,8
3	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	9 311,0	5 460,4	348,5	210,0	3 292,1	11 388,1	7 317,8	551,4	78,7	3 440,3	12 180,8	7 872,0	631,1	82,6	3 595,1
4	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	6 749,2	3 369,5	575,4	1 885,0	919,4	7 760,6	3 820,9	644,9	2 334,1	960,7	8 249,5	4 764,3	723,1	1 758,2	1 004,0
5	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	1 079,8	704,8	250,3		124,8	1 236,9	789,1	317,5		130,4	1 363,5	823,6	403,7		136,2
6	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги	1 212,6	1 023,7		125,0	63,9	2 964,8	2 773,0		125,0	66,8	3 307,3	3 093,8		143,8	69,8
7	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	2 090,8	20,9	1 498,0	566,3	5,7	1 753,9	23,7	1 724,3		5,9	2 017,1	24,8	1 986,1		6,2
8	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	1 705,8	833,2		627,5	245,0	1 834,2	950,6		627,5	256,1	2 054,5	987,1		799,8	267,6
9	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	6 559,0	2 867,0	1 312,2	2 355,0	24,8	6 367,4	2 959,0	1 426,3	1 956,3	25,9	5 716,5	3 106,9	1 550,0	1 032,6	27,0
10	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги	175,3	71,1			104,2	186,4	77,6			108,9	194,8	81,0			113,8
11	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	7 967,3	2 873,7	3 516,0	1 440,0	137,7	8 476,1	3 312,1	3 580,0	1 440,2	143,8	11 028,4	3 619,6	3 828,0	3 430,4	150,3
12	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	133,3	48,8			84,5	125,7	37,4			88,3	131,5	39,3			92,3
13	Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси	1 598,4	1 225,4	33,0		340,1	1 670,6	1 277,5	37,8		355,4	1 742,2	1 327,6	43,2		371,4
14	Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси	186,5	186,4			0,1	196,6	196,6			0,1	206,5	206,4			0,1
15	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий меърос вазирлиги	411,8	313,1			98,7	444,0	340,9			103,2	473,6	365,8			107,8
16	Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги	1 749,1	1 080,3	570,0		98,7	1 899,4	1 146,2	650,0		103,2	2 036,2	1 187,4	741,0		107,8
17	Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	22,4	15,8			6,6	24,7	17,8			6,9	25,9	18,6			7,2
18	Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	179,0	135,2	15,1		28,6	190,5	143,3	17,3		29,9	201,5	150,5	19,7		31,2
19	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	774,9	659,1		30,6	85,3	807,6	690,3		28,2	89,1	819,5	713,2		13,2	93,1
20	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси	40,0	10,1			29,9	42,8	11,5			31,3	44,8	12,1			32,7
21	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	110,2	12,0			98,3	116,3	13,6			102,7	121,6	14,3			107,3
22	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	986,7	768,0		191,3	27,4	1 387,4	819,8		538,9	28,7	1 147,8	850,8		267,1	30,0
23	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси	526,4	526,4				712,9	712,9				194,9	194,9			
24	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	356,3	76,0	251,1		29,2	364,0	83,5	250,0		30,5	391,5	87,7	272,0		31,9
25	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	643,3	499,7	37,1		106,5	684,2	530,4	42,4		111,3	721,3	556,6	48,4		116,3
26	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	1 117,5	768,5		250,0	99,0	1 352,8	790,4		458,9	103,5	1 439,3	806,6		524,6	108,1
27	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	491,6	181,4			310,3	525,1	200,8			324,2	544,8	206,0			338,8
28	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	475,8	230,4			245,4	500,1	243,7			256,5	524,1	256,1			268,0
29	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	3 412,0	1 792,8		1 575,0	44,2	3 568,1	1 947,0		1 575,0	46,2	3 932,9	2 062,8		1 821,9	48,3

T/p	Биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилари номи	2023 йил прогноз					2024 йил мўлжал*					2025 йил мўлжал*				
		ЖАМИ	шундан				ЖАМИ	шундан				ЖАМИ	шундан			
			Бюджет маблағлари		Давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари	Бюджетдан ташқари жамғармалари		Бюджет маблағлари		Давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари	Бюджетдан ташқари жамғармалари		Бюджет маблағлари		Давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағлари	Бюджетдан ташқари жамғармалари
			Жорий харажатлар	Капитал қўйилмалар				Жорий харажатлар	Капитал қўйилмалар				Жорий харажатлар	Капитал қўйилмалар		
30	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги**	58 155,7	50 141,2	7 655,3	142,5	216,7	64 066,6	55 153,7	8 464,8	221,6	226,4	70 077,2	60 464,7	9 375,9		236,6
31	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	2 212,4	1 655,7	21,2	150,0	385,5	2 458,8	1 874,4	24,2	157,3	402,8	2 582,0	1 968,1	27,6	165,2	421,0
32	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	1 843,0	1 493,8			349,1	2 021,8	1 657,0			364,8	2 121,1	1 739,8			381,2
33	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси	1 415,8	765,5	247,2		403,1	1 522,0	820,5	280,3		421,2	1 618,5	860,5	317,8		440,2
34	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати	67,9	67,9				76,2	76,2				80,1	80,1			
35	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси	286,7	274,3	10,6		1,8	297,7	295,8			1,9	311,8	309,8			2,0
36	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)	9,9	9,9				11,3	11,3				11,8	11,8			
37	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	2 854,5	1 446,1	66,8		1 341,6	3 135,2	1 649,2	84,0		1 402,0	3 302,3	1 731,7	105,5		1 465,1
38	Ўзбекистон Республикаси Олий суди	1 551,3	1 141,0	121,7		288,6	1 753,6	1 298,9	153,1		301,6	1 871,4	1 363,8	192,4		315,2
39	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди	8,1	8,0			0,1	9,2	9,2			0,1	9,7	9,6			0,1
40	Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши	35,3	32,8			2,5	39,9	37,3			2,6	41,9	39,1			2,7
41	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги	25,6	25,6				28,8	28,8				30,2	30,2			
42	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси	13,6	13,6				15,3	15,3				16,1	16,1			
43	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси	625,0	490,7	46,7		87,6	685,9	541,0	53,4		91,5	724,6	568,1	60,9		95,6
44	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги	42,5	41,1			1,4	48,0	46,5			1,4	50,4	48,8			1,5
45	«Ўзархив» агентлиги	16,1	12,9			3,2	17,8	14,5			3,3	18,6	15,1			3,4
46	Республика Маънавият ва маърифат маркази	43,7	43,3			0,4	47,6	47,2			0,4	50,0	49,6			0,4
47	Гидрометеорология хизмати маркази	177,5	173,7			3,7	200,8	196,9			3,9	212,0	207,9			4,1
48	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази	13,6	13,5			0,1	15,2	15,1			0,1	16,0	15,8			0,1
49	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги	281,8	281,7			0,1	296,4	296,4			0,1	308,8	308,7			0,1
50	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	224,0	217,0			7,0	365,6	358,3			7,3	377,5	369,9			7,6
51	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	449,3	328,1	66,0		55,2	503,7	370,6	75,4		57,6	535,1	389,1	85,8		60,2
52	Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги	225,6	121,0	100,2		4,4	248,5	132,9	111,0		4,6	266,3	138,6	122,9		4,8
53	Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси	150,0	150,0			0,0	160,0	160,0			0,0	170,0	170,0			0,0
54	Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси	75,5	75,5			0,0	85,4	85,4			0,0	89,6	89,6			0,0
55	Президент таълим муассасалари агентлиги	473,5	319,3	154,1		0,0	528,1	353,3	174,8		0,0	569,2	370,9	198,2		0,0
56	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	374,1	374,1			0,0	634,4	634,4			0,0	773,6	773,6			0,0
57	Ўзбекистон Республикаси Усимликлар карантини ва химояси агентлиги	101,8	101,8			0,0	109,7	109,7			0,0	115,2	115,2			0,0
58	Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги	196,0	142,9	53,0		0,0	211,2	150,6	60,6		0,0	227,3	158,2	69,1		0,0
59	Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги	8,4	8,4			0,0	9,4	9,4			0,0	9,9	9,9			0,0
60	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)	1,3	1,3			0,0	1,3	1,3			0,0	1,3	1,3			0,0
61	Бошқа ташкилотлар	36 038,5	33 609,9	1 256,1	357,5	815,0	41 872,3	38 050,4	1 531,5	1 438,8	851,6	45 431,6	40 709,7	1 870,9	1 961,0	889,9

* 2023-2024 йиллар Ўзбекистон Республикаси бюджети параметрларини шакллантиришда аниқлик киритилди.

** Маҳаллий бюджетларга трансфертларсиз

Давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертларнинг чекланган миқдорлари

млрд. сўм

Т/р	Давлат мақсадли жамғармалар номи	2022 йил параметр			2023 йил учун прогноз			2024 йил учун мўлжал *			2025 йил учун мўлжал *		
		Даромад	Трансферт	Харажат	Даромад	Трансферт	Харажат	Даромад	Трансферт	Харажат	Даромад	Трансферт	Харажат
1	ЖАМИ — Давлат мақсадли жамғармалари	31 935,9	25 400,1	64 179,0	44 249,6	30 056,2	72 759,6	46 224,3	35 872,1	79 228,2	48 196,6	40 454,9	85 444,0
1	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси		170,0	170,0		300,0	300,6		550,0	550,9		685,0	683,6
2	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан jisмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма		500,0	500,0		200,0	236,6		210,0	210,0		220,0	220,0
3	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	29 086,5	14 000,0	49 936,3	34 658,6	15 000,0	49 599,5	36 250,9	18 500,0	54 327,2	37 860,9	22 000,0	59 505,5
4	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	272,1	940,0	1 212,1	262,1	450,0	722,9	311,6	400,0	711,9	369,6	400,0	774,5
5	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	59,0		61,3	47,9	50,0	130,8	47,5	50,0	130,5	47,5	50,0	130,5
6	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси	11,7	300,0	310,0	5,7	250,0	282,1	5,4	250,0	291,1	3,0	280,0	301,4
7	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	54,0	150,0	204,2		270,0	271,0		293,0	293,0		308,0	308,0
8	Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	30,0	50,0	259,5	42,0	100,0	255,1	53,5	140,0	205,0	56,5	150,0	207,0
9	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	86,0		86,0	89,6	0,0	89,6	98,6	0,0	98,6	108,4	0,0	108,4
10	Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	0,6		0,6	0,7	0,0	0,7	0,8	0,0	0,8	0,9	0,0	0,9
11	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	299,4	605,0	1 154,1	637,2	230,0	872,5	894,2	465,0	1 382,6	1 170,1	480,0	1 414,1
12	Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	215,0	500,0	1 205,0	349,4	1 000,0	1 327,0	382,9	1 100,0	1 462,8	430,8	1 200,0	1 616,9
13	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	928,6		928,6	942,8	0,0	942,8	1 035,3	0,0	1 035,3	1 137,0	0,0	1 143,0
14	Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий меърос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	13,0	12,0	32,3	84,6	50,0	138,3	97,4	50,0	147,3	108,7	50,0	157,7
15	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат қўраётини бўйича қафолат жамғармаси	239,7		280,3	230,0	0,0	400,0	240,0	0,0	400,0	240,0	0,0	250,0
16	Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	154,0	91,0	253,4	95,1	141,0	293,5	52,4	280,0	339,2	133,2	290,0	426,0
17	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	558,9	-500,0	87,4	6 700,0	0,0	6 700,0	6 640,0	0,0	6 640,0	6 406,0	0,0	6 406,0
18	"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	1,5		2,0	2,2	0,0	2,2	2,4	0,0	2,4	2,6	0,0	2,6
19	Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси		1 124,8	1 124,8	3,6	1 124,8	1 136,5	3,6	1 124,8	1 136,5	3,6	1 124,8	1 136,5
20	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси	12,0	1 000,0		100,0	2 000,0	250,0	110,0	2 800,0	250,0	120,0	2 800,0	250,0
21	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси		4 820,4	4 820,4		6 462,4	6 462,4		7 010,0	7 010,0		7 529,0	7 529,0
22	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси		1 000,0	1 000,0		1 178,0	1 185,0		1 374,3	1 374,3		1 603,1	1 603,1
23	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси		636,9	636,9	87,7	750,0	750,0	96,5	750,0	802,5	106,1	750,0	842,6
24	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси					500,0	500,0		525,0	525,0		535,0	535,0

* 2024-2025 йиллар Ўзбекистон Республикаси бюджети параметрларини шакллантиришда аниқлик киритилади.

2023-2025 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари

млрд.сўм

Т/р	Худудлар номи	2023 йил учун прогноз	2024 йил учун мўлжал *	2025 йил учун мўлжал *
Жами		25 617,3	25 617,3	22 894,6
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 182,9	2 378,1	2 268,9
2	Андижон вилояти	2 586,6	2 591,0	2 445,4
3	Бухоро вилояти	896,9	711,7	485,7
4	Жиззах вилояти	1 473,5	1 678,1	1 655,5
5	Қашқадарё вилояти	3 676,4	3 693,2	3 562,5
6	Навоий вилояти	173,4	310,9	188,5
7	Наманган вилояти	2 883,2	3 019,6	2 903,8
8	Самарқанд вилояти	2 075,0	1 977,5	1 702,7
9	Сурхондарё вилояти	2 883,4	3 006,3	2 935,6
10	Сирдарё вилояти	1 040,5	958,1	878,0
11	Тошкент вилояти	938,3	605,4	274,1
12	Фарғона вилояти	2 315,8	2 383,4	2 148,1
13	Хоразм вилояти	1 380,1	1 391,2	1 285,4
14	Тошкент шаҳри	1 111,4	912,7	160,6

* 2023-2024 йиллар Ўзбекистон Республикаси бюджети параметрларини шакллантиришда аниқлик киритилади.

** Маҳаллий бюджетлардан сўндириладиган давлат қарзига хизмат кўрсатиши билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда



Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Истиқдол кўчаси 29, Тошкент шаҳар,
100017, Ўзбекистон Республикаси.
www.mf.uz / www.openbudget.uz

